



O'zMTDP — www.mf.uz

MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 38 (1036) 2019 йил 9 октябрь, чоршанба
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

3 БУҒДОЙ НАРХИ ЭРКИНЛАШСА,
НОН ҚИММАТЛАЙДИМИ?

4 БАТАНДОШГА СУЯНЧМИЗ
ЎКИ ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ
ЛОЙИҲАСИ ХУСУСИДА



ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!

Ўз вужудинга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

Алишер НАВОИЙ

ЎЗ-ЎЗИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

14 Ислохотларни, энг аввало, ўзимиздан бошлашимиз керак, деган гоё партия Пленуми қарорларида ўз аксини топди.

“БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА ҚЎЛГА”

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг мамлакатимиз бўйлаб сайловолди тарғибот тадбирлари янги форматда бошланди

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши партияси ўз мақсад ва вазифалари, янги сайловолди Платформасига бағишланган митингларни “БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!” шиори остида бошлади. Кенг қўламли тарғибот тадбирларида партия Марказий, вилоят ва туман кенгашлари фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари вакиллари, партияга хайрихоҳ бўлган ёшлар иштирок этмоқда.



5 октябрь, соат 11.00. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоллари мустақиллик учун бундан 81 йил аввал ўз азиз жонидан воз кечган аجدодлар руhini шод этиш учун “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасига жам бўлди. Ҳа, 1938 йил 4 октябрь куни ўзбек миллатининг қалбини уйғотмоқчи бўлган зиёлилар айнан шу ерда отиб ташланган эди. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг шошилинч сайёр йиғилишларидан сўнг Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Пўлат Солиев, Ғози Олим Юнусов, Анқабой Худойбаҳтов, Санжар Сиддиқ, Отажон Ҳошимов каби юзлаб ўзбекистонлик зиёлилар сиёсий маҳбус сифатида зудлик билан отиб ташланди. Сорадан бир кун ўтиб, яъни 5 октябрь куни эса уларга қарши чиқарилган ҳукм расмийлаштирилди.

1938 йил 4 октябрдан 16 октябргача бўлган ҳарбий коллегиянинг сайёр йиғилишларида жами 507 нафар ўзбекистонлик зиёлиларга ҳукм чиқарилган. 1934-38 йиллар оралиғида 40 минг нафардан ортиқ ватандошимиз қатағон қилинган, улардан 730 нафари “халқ душмани” сифатида отиб ташланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг “халқ душмани” сифатида қатағон қилинган, ҳатто номи халқимиз тарихидан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолат тикланди. 2000 йилнинг 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида барпо этилган “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, 2002 йилнинг 31 августда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилди. Ушбу масканлар қисқа вақт ичда ёш авлодларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган табаррук зиёратгоҳга, халқимизнинг ўтмиши ва бугунини ўзида акс эттирган қадимжолардан бирига айланди.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни асраб-

авайлаш ва бойитишни ўзининг асосий ғояси сифатида белгиланган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ва “Шахидлар хотираси” жамоат фонди, шунингдек, “Олтин мерос” халқаро хайрия жағмармаси билан 2010 йилда ҳамкорлик меморандумини имзолаган эди. Ҳозирда муштарак мақсадли ташкилотлар ҳамкорлигидаги тадбирлар мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, ғурури топталган ватандошларимизнинг хотирасини тиклаш, мамлакатимиз тарихида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеалар ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини холисона ўрганиш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғулари кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, таълим муассасалари, маҳалла ва музейларда жамоат арбоблари, тарихшунослар, адабиётшунослар, ижодкорлар иштирокида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, очиқ мулоқотлар, хотира кечалари ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Қолаверса, ЎзМТДП вакиллари ҳар йили ушбу санада “Шахидлар хотираси” мажмуасига келиб, юрт мустақиллиги, халқ озодлиги учун жонини тиккан ватандошларимизни ёд этишни одат қилган. Ушбу аънанани давом эттирган ҳолда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров бошчилигидаги партия фаоллари 5 октябрь куни “Шахидлар хотираси” мажмуасига йиғилди. Қуръон тиловат қилиниб, юртимиз озодлиги учун фидо бўлган инсонлар ҳақида дуо қилинди.

Хотира тадбирида таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихидаги энг қайғули ва қора кунлардан бири ҳисобланган ушбу воқеаларни ҳеч ким ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Чунки бугунги фаровон, дорилмом кунларга етишимиз, юртимизда бардавом тинчлик

ва осайишталикнинг қарор топишида ўз ҳаётларини хатарга қўйиб, жон фидо қилган ватандошларимизнинг хизмати беқийс. Ватан ва миллат келажаги учун жонини тиккан ўзбек халқининг буюк фарзандлари хотираси олдида доимо бош эгамиз. Охиратлари овод, руҳлари шод бўлишини тилаймиз! Яратгандан бундай кунлар бошқа ҳеч қачон қайтиб келмаслигини сўраймиз.

Ватандошларимизнинг руҳлари шод бўлишини истаган ҳар бир фуқаро бугун янгиланаётган Ўзбекистонда мамлакат тараққиётини ривожлантириш орқали одамларни ҳар бир ўтаётган кунидан рози қилишдек юксак мақсадлар йўлида бошланган ислохотларда шунчаки кузатувчи эмас, ўзининг ташаббускор ғоялари билан фаол иштирок этиши лозим. Айниқса, ёшларимиз қалбида юрт келажаги ва тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларни ватанпарвар, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида юксалтириш, келажақда етук мутахассис бўлиб етишида барчамиз ягона ғоя, бир мақсад сари қўлни-қўлга беришимиз зарур. Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари бирлашсак, бизга ҳеч қандай ташқи кучлар тазийқ ўтказа олмайди, мафқуравий таҳдидлар мардановор қарши тура оламиз.

5 октябрь, соат 17.00. Нурафшон шаҳри. Тошкент вилояти марказидаги амфитеатрда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг сайловолди тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан партияга хайрихоҳ бўлган ёшлар, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

2019 йил 22 декабрига белгиланган сиёсий тадбир “ЯНГИ ЎЗБЕКИСОН. ЯНГИ САЙЛОВЛАР!” шиори остида ўтказилаётгани бугун ҳаётимизнинг барча жаҳбасида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар жараёнига ҳамроҳлиги билан уйғунлик касб этмоқда. ЎзМТДП ҳам сайловга тайёргарлик кўриш, сайловолди Платформаси билан боғлиқ тадбирларда тарғибот-ташвиқотнинг янги усул ва технологияларидан, кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ахборот воситалари имкониятларидан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Партия Марказий кенгашининг бу каби янги тарғибот тадбирини ҳам шу йўлда қилинган муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Ахир шу пайтгача миңглаб одамларни бир жойга тўплаш у ёқда турсин, беш-олти шахс йиғилиб қолса, дарров уларга қарши чоралар кўрилган кунларда ҳам сайловлар ўтказилган. Митинг, намойиш, оммавий йиғилиш каби тушунчаларни салбий маънода англаш, уларни провакациянинг бир кўриниши сифатида баҳолашга одатланиб қолганимиз ҳам бор гап. Аслида одамлар ўз манфаати, давлат аҳамиятига молик масалалар, эзгу мақсадларини тинч йўл билан тарғибот қилиш йўлида бир жойга жам бўлишининг албатта ёмон жойи йўқ. Қолаверса, бу жаҳон тажрибасида синалган ва энг самарали воситалардан бири саналади.

Мана, ниҳоят сиёсий партиялар ҳам ижобий маънода ўз митингларини, оммавий йиғилиш ва намойишларини ўтказа бошлагани Ўзбекистонда чин маънода демократик тамойиллар амалда қарор топаётганини

ёрқин ҳаётини исботидир. Бу тушунчалар бугун инсон, давлат манфаатларига қаратилган тарғибот-ташвиқотнинг бир усули сифатида жамиятимизга кириб келди.

ЎзМТДП байроқлари баланд кўтарилиб, амфитеатр майдони узра иштирокчиларнинг “БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!” шиори янгради. Таниқли санъаткорлар чиқишларидан сўнг катта экранда ЎзМТДП томонидан тайёрланган Ватанимиз тарихи ҳамда бугунги ҳаёти акс этган видеоролик намойиш қилинди. Шундан сўнг даврага партия раҳбарлари, депутатлар, партия Тошкент вилояти кенгаши аъзолари ҳамда фаоллар тақлиф қилинди.

ЎзМТДП янги ҳаёт ва янги ҳаёт кўринишида сайловолди тарғиботини биринчи бўлиб Нурафшон шаҳридан бошлаганида ҳам чуқур маъно бор, — деди митингга сўзга чиққан партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Чунки бу ерда янгиликлар бўлаётган ўзгаришларни ўз шаҳри мисолида ҳам кўриш, ҳар дақиқада ҳис қилиб яшайпти.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолияти ҳам ҳақиқий маънода ўзгариш ва янгиликлар даври бошланди. Албатта, сиёсий майдонда қўли баланд бўлиш, одамлар ишончини қозониб, ҳалқчил партияга айланиш учун давлат ва жамият фаровонлигига бирдек хизмат қилувчи сайловолди Платформа зарур. Айни шу мақсадда партиянинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган янги сайловолди Платформаси электорат, партия фаолиятига бефарқ бўлмаган олимлар, ижодкор, эксперт ва мутахассислар, жамоатчилик фикр-мулоҳазаси, тақлифлари ҳамда давр шиддати, талаблари инобатга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилди. Партия бугунги сиёсий майдонга қандай ғоя ва мақсадлар билан чиқиши зарурлигини белгилаб олди. Миллий юксалишга ҳалақит бераётган муаммолар нималардан иборат эканини аниқлади.

— Партия ҳар доимгидек ёшларимизни ватанпарвар, миллий урф-одатларимизнинг қадрига етувчи халқпарвар, фидоий инсон қилиб ўстириш йўлидан боради ва бунда таълим-тарбияни устувор бўлиши, — деди партия етакчиси сўзини давом эттириб. — Мактабга таълим муассасаларида таълим эмас, аввало тарбия устувор бўлиши керак. Шу йўл билан жиноятчилик, коррупцияга барҳам берамиз.

Олий таълим муассасалари фаолиятини ҳам тубдан яхшилаш зарур. Афсуски, бу борада кўп вақтимизни кадрлар тайёрлашга эмас, асосан тарбия ишларига сарфлаб юбордик. Натижанда кадрлар тайёрлаш тизими издан чиқди. Етук мутахассис бўламан деб олий даргоҳга келган талабага маънавиядан собоқ бердик. Асосий машғулот қолиб, тарбияни, салом беришни ўргатдик. Бўлажак шифокор беморни даволаш сирларини эмас, миллий мафқура ғоясини ўргатди, математик эса одобномадан дарс олди. Илм-фан ривожига тўсиқ бўлиб турган энг муҳим сабаблардан бири ҳам аслида шу. ЎзМТДП ёшларни кадрлар

БЕРАМИЗ!



захирасини шакллантириш жараёнига жалб қилган ҳолда, малакасини ошириш орқали уларнинг номзодини партия фаоллари сифатида давлат хизматлариغا илгари суриш борасида "ижтимоий лифт" вазифасини ўтамоғи зарур.

Партия етакчиси **"ИНСОН ЎЗГАРСА — ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ"** шиори остида аҳолининг йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга қўмаклашиш, таълим ва тарбия узлуксизлигини таъминлаш, миллий қадриятларни аҳоли орасида кенг татбиқ этиш масалалари партиянинг устувор мақсади эканини таъкидлади.

— Ким бўлишимиз ва қандай соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъий назар барчамизни ягона эзу мақсад бирлаштириб туради, бу халқимиз фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиш, ёшларимизни она Ватан қадрига етадиган комил инсон қилиб тарбиялаш, маънавий ва миллий қадрият, урф-одатларимиз руҳида вояга етказишдир. ЎЗМТДП ўзининг ҳақиқий маънодаги вази-фасини бажариши, халқ билан мустақкам алоқа ўрнатиб, ишончини қозониши учун партиянинг юқори органидан то энг куйи бўғинлари бир ғоя остида ҳаракат қилади. Бахт — бирлаш олишда. Сайлов эса ҳақиқий маънода халқ танлови бўлиши лозим.

Сўнг митинг жараёни катта байрам сайлига айланиб кетди. Куй-қўшиқлар авжига чиқди. Ёшлар ва партия вакиллари бир-бирига қўлларини бериб, партия байроқларини янада баланд кўтарди.

7 октябрь, соат 17.00. Гулистон шаҳри. Сирдарё вилояти марказидаги "Юрт байроғи" майдонида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ўтказётган **"БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!"** шиори остидаги навбатдаги митинг ҳам байрамона руҳда ташкил қилинди. Майдонга партия вакиллари, ёзувчи ва шoirлар, жамоат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар тўплади.

Саҳнада санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янграй бошлади. Барчанинг юзида кулгу-табассум. Айниқса, болажонларнинг партия байроғини қўллари узра юқори кўтарганча майдон бўйлаб югуриб, қувноқ қийқиришларига жўр бўлмаётган иложингиз йўқ.

Қайта-қайта янграётган **"БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!"** шиори остида катта экранда ЎЗМТДПнинг видеоролиги намойиш қилинди. Сўнгги саҳнага партия етакчиси Алишер Қодиров бошчилигидаги фаоллар таклиф қилинди. Майдондан эса яна партия шиори эшитилди.

Тадбирда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси сўзга чиқиб, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор мақсадларидан бири парламентни том маънода "халқ уйи"га айлантиришдан иборат эканлигини таъкидлади.

— Сиёсий партиялар ҳамон мудроқ ҳолатда, уйғониши қийин кечяпти, ўз имконияти ва ваколати даражасида фаоллик кўрсатмаяпти, — деди партия етакчиси. — "Миллий тикланиш" демократик партияси бундан ҳам мустақно эмас. Шу боис, халқимизда миллий ўзлигини англаш ҳиссини ўстириш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва янада кўпайтиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш каби вазибаларни устувор билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятида ҳам туб бурилишлар, ўзгаришлар даври бошланди.

Бу йилги сайлов кампанияси янги сайлов Кодекси асосида ўтказилмоқда. Сайлов бу, энг аввало, халқимизнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ёрқин кўзгусидир. Айни пайтда ана шундай муҳим кампанияда фаол иштирок этиб, ғалаба қозониш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазибасига айланган.

Тарғибот тадбирида таъкидланганидек, ЎЗМТДП ўз ғояларини ҳаётга изчил татбиқ этган ҳолда сайловда фаол иштирок этиб, парламентда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлишга ҳаракат қилмоқда. Айни кунларда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари республикаимизнинг барча ҳудудида **"Инсонни ўзгартирмасдан, жамиятни ўзгартариб бўлмайдими"** деган умуммиллий шиори остида турли тарғибот тадбирлари, акцияларни ўтказмоқда. Янги тарғибот тадбири аввалгиларига нисбатан кенг қўламлиги ва аҳамияти, мамлакат ҳамда вилоят миқёсидаги фаоллар, жамоатчилик вакиллари, эстрада ва кино юлдузлари, спортчилар, маҳалла оқсоқоллари, ёшлар, хотин-қизлар иштирок этиши билан тубдан фарқ қилади.

... Гулистон шаҳридаги "Юрт байроғи" майдони узра яна **"БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!"** шиори янграйди. Партия байроқлари сарбаланд бўлди. ЎЗМТДП шаҳар аҳли учун ҳақиқий байрам руҳини тақдим эта олди.

Равшан МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида халқимиз ҳаёти билан боғлиқ энг муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров олиб борган йиғилишда дастлаб фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ғалла маҳсулотлари етиштиришнинг самарадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Шу йилнинг 2 октябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари

шакланган талаб ва таклиф асосида эркин нархларда сотиш тизимини шакллантириш зарурлигини таъкидлашди.

Шундан сўнг депутатлар "Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларини химоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғриси-

БУҒДОЙ НАРХИ ЭРКИНЛАШСА, НОН ҚИММАТЛАЙДИМИ?

кенгаши Раёсатидан "Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш" бўйича муружаат келиб тушган эди. Унда доннинг нархи ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини сотиш тизими бозор механизмлари асосида шаклланмагани боис фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончи пасайиб бораётгани маълум қилиниб, уларнинг ғалла етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, ўз меҳнатларига яраша даромад олишини таъминлаш ва бу орқали ғалла етиштиришни кўпайтириш бўйича бир неча таклифлар илгари сурилган эди.

Ушбу масала бўйича тезда депутатлар иштирокида 50 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, жойларда ўрганишлар олиб борди. Ўрганишлар давомида бу борадаги вазият ҳақиқатан ҳам оғир аҳволда экани аниқланди.

Маълум бўлишича, жойларда дон қорхоналарида ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда бозор иқтисодиёти механизмлари йўлга қўйилмаган. Ҳанузгача коррупцион ҳолатлар юз бермоқда. Бу эса фермер хўжаликларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётди. Хусусан, Бухоро вилоятидаги "Когондонмаҳсулотлари" АЖда 50 килограмм ун 87 минг 500 сўмдан сотилмади. Лекин ушбу бир қоп ун Когон туманидаги хусусий дўконларда 121-125 минг сўмдан, Қоровулбозорда эса 130-135 минг сўмдан сотувга чиқарилмоқда. Нарх-наводаги бундай номуаносиблик айрим жойларда нон маҳсулотлари нархи ошишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бундан ишлаб чиқарувчилар ҳам, фермер хўжаликлари ҳам зарар кўряпти. Умуман, бугунги кунга келиб, ғалла етиштирган фермерларга тўланмаган қарздорлик миқдори 50 миллиард сўмдан ошим кетган.

Йиғилишда депутатлар "Агар буғдойнинг нархи бозор механизмлари асосида эркинлаштирилса, ноннинг нархи яна кўтарилмайдими?" деган саволни кун тартибига қўндаланг қўйди.

Йиғилишда иштирок этган Молия вазирлиги масъл худими бу саволга "Йўқ, аксинча ноннинг нархи арзонлашиши мумкин. Чунки буғдой етиштирувчилар ҳамда ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар орасида ҳақиқий маънода рақобат пайдо бўлади. Бозорга қанча кўп маҳсулот кирса, нарх-наво ҳам шунга яраша пасайиб бораверади", деб жавоб қайтарди.

Фракция аъзолари ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу соҳада ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини ҳар томонлама таҳлил қилиш лозимлигини қайд этишди. Мамлакатимизда ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан босқичима-босқич воз кечиб, бозорда

даги"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Маълумки, бугунги кунда беморлар ва уларнинг қариндошлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилиш одатий ҳолатга айланиб қолди. Ижтимоий тармоқлар орқали тез-тез шундай хабарларга кўзимиз тушмоқда. Биргина 2017-2018 йилларда тиббиёт ходимларига нисбатан 400 дан зиёд анча шундай ҳолатлар қайд этилган. Бироқ фақат 40 ҳолатдагина тиббиёт ходимларни ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларга муружаат қилган, холос.

— Амалдаги қонунчилигимизда соғлиққа зарар етказган шахсни жавобгарликка тортиш бўйича умумий нормалар белгиланган, — деди ушбу масала бўйича сўзга чиққан фракция аъзоси Зумрад Бекатова. — Бироқ тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз учун жавобгарлик белгиловчи, шунингдек, касбий вазифасини бажараётган тиббий ходимларни бемор ва унинг яқинлари ҳужумидан химоя қилувчи махсус нормалар мавжуд эмас. Ушбу қонун лойиҳаси тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз касбий мажбуриятларини бажараётган соҳа ходимларига тажовуз қилиш ҳолатларига чек қўйишига сабаб бўлади. Қонун лойиҳаси юзасидан манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ижобий хулосалари олинган.

Йиғилишда таъкидлаганича, ушбу қонун лойиҳаси бўйича хоржиий тажрибалар ўрганилди. Бир пайтлар Россияда ҳам шундай ҳолатлар жуда кўп содир бўлган. Касбий мажбуриятларини бажараётган тиббиёт ходимларини фуқаролар тажовузидан химоя қилиш мақсадида қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ва унинг тарғиботидан сўнг бундай салбий ҳолатлар кескин камайган.

Депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211⁻моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ҳам қизгин муҳокама қилди. Мазкур қонунда истеъмол бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдорлигини ошириш учун шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, қўшилган қиймат солигининг узлуксиз "занжир"ни шакллантириш назарда тутилган. Хусусан, кодекснинг 211⁻моддасига ўзгариш киритиш натижасида қўшимча қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши белгиланган.

Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, барча масала юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Р.МАВЛОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ВАТАНДОШГА СУЯНЧИМИЗ

ёки Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Россия Федерациясининг Новосибирск ҳамда Смоленск вилоятларида амалга оширилган лойиҳалари хусусида

Ниҳоят ўзга юртларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳақида ҳам гапира бошладик. Қувонарлиси, бу шубҳасиз, мамлакатимизда сўз эркинлиги таъминланаётгани билан боғлиқдир. Ачинарлиси, узоқ йиллар давомида ушбу масала моҳиятига эътибор қаратилмагани. Оқибатда хорижда меҳнат қилаётганлар, хусусан, ёшлар сони ортиб, бугунга келиб уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қийинлаша бошлади.

Таҳлилчиларнинг қайд этишларича, 2019 йили дунё миқёсида 276,1 миллион нафар меҳнат муҳожир қайд этилган. Уларнинг асосий қисми Осиё қитъасига тўғри келяпти. Таъкидлаш жоизки, бугун уларни ўз ватанларига қайтариш, улар учун қулай шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар қилинапти. Аммо сўнги таҳлиллар ортиқча меҳнат ресурслари бўлган давлатларда бу жараёни орта қайтариш ниҳоятда оғир кечаётганини кўрсатапти. Бу эса иккинчи бир масалани, яъни энди хорижда меҳнат қилаётганлар, айниқса, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини айнан улар меҳнат қилаётган мамлакатларда таъминлаш масаласини кун тартибига қўя бошлади.

Ўтган ҳафта "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари Россия Федерациясининг бир қатор шаҳарларида бўлиб, айнан ушбу масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида 400 нафарга яқин юртдошимиз билан учрашдилар.



Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида чет эллардаги ёшларимиз билан ишлашга эътибор қаратилмаётгани кескин танқид қилинган эди. Шундан кейин партиямиз томонидан хорижда таҳсил олаётган ёки

меҳнат қилаётган ватандошларимизга амалий ёрдам кўрсатиш учун махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширишга киришилган эди.

Россияга сафар айнан ана шу режа асосида амалга оширилди. Бунда биринчи бўлиб, Новосибирск танлангани ҳам бежиз эмас. Чунки ушбу ҳудуддаги меҳнат муҳожирларининг 47 фоиздан ортигини ватандошлар

римиз ташкил этапти.

Новосибирскдаги Бош консулимиз Юсуф Қобулжоновнинг таъкидлашича, Россиянинг 13 та ҳудудини қамраб олган вилоятда 250 мингга яқин ўзбекистонлик бор.

Бу ердаги Олий ўқув юртларида ҳам ёшларимиз сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, олий ўқув юртларида 200 нафардан зиёд йигит-қиз таҳсил оляпти.

Ана шуларни инobatга олган ҳолда, партиямиз вакиллари сибирликлар билан ҳамкорликни маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишдан бошладилар.

Маълумки, 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганига 30 йил тўлади.

Миллий ва умумбашарий кадрятларни сақлаш ва бойитишни бош ғоя сифатида илгари сураётган партиямизнинг Россияда амалга оширилиши белгиланган лойиҳалардан бири ҳам айнан тилимиз тарғиботи билан боғлиқ бўлди...

Ўзаро келишувга мувофиқ, Новосибирск Давлат оммавий, илмий-техник кутубхонасида

"Ўзбек тилидаги адабиётлар бўлими" очилди. Бундан мақсад энг аввало юртдошларимизни ватанга яқинлаштириш, узоқда бўлсалар-да, ўзбек тилидаги адабиётлар орқали уларга руҳий мадад беришдан иборат эди. Шунинг учун ҳам сафарнинг биринчи иш кунини ана шу муҳим тадбир амалга ошди.

Анжуманни Ю.Қобулжонов кириш сўзи билан очиб, ушбу тарихий тадбир Ўзбекистон ва Россия маданий-маърифий ҳаётидаги муҳим воқеа эканини, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сиёсий партиялар орасида биринчи бўлиб шундай ташаббусни илгари сурганини, Россиянинг энг йирик кутубхоналаридан бирига 2000 дана китоб ҳадя қилиниши ҳар икки давлат фуқароларига Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги куни тўғрисида кенгроқ маълумот олиш имконини яратишини таъкидлади.

Маросимда "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодир Мухторов сўзга чиқиб, халқимиз тарихи





ва бугунги кун билан боғлиқ бадий, илмий-оммабоп китоблар Новосибирск вилоятидаги таълим даргоҳларида тахсил олаётган ёшларимиз учун ҳам беминнат хизмат қилажагига эътибор қаратди. Шундан сўнг «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Новосибирск давлат оммавий, илмий-техник кутубхонаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. Унга кўра, томонлар ёш авлодни маънавий-ахлоқий камол топтиришда ўзаро кўмаклашиш, меҳнат мигрантлари ва талабалар орасида мутолаа маданиятини кучайтиришда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Маълумки, БМТ миллионлаб фуқаролар жалб этилган ташқи меҳнат миграцияси кўламини инobatга олиб, меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини универсал концепциялар орқали ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. 1990 йил 18 декабрда Бош Ассамблея бу борада 45/158 рақамли резолюция асосида конвенция ҳам қабул қилган.

Маълумотларга қараганда, 2000 йилдан буён дунёда муҳожирлар сони икки баробар кўпайган ва айни пайтда 276 миллион кишидан ошган.

Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий маълумотига кўра, бугунги кунда 2 миллион 600 мингга яқин фуқаромиз чет элларда меҳнат қиялпти. Уларнинг 83 фоизи, яъни 2 миллиондан ортиги Россияда. Аммо айрим манбаларда бу рақам бирмунча юқори экани қайд этилаётир. Шу ўринда меҳнат муҳожирлари томонидан ҳар йили 5 миллиард АҚШ долларига яқин маблағ Ўзбекистонга жўнатилаётганини қайд этиш жоиз. Бу меҳнат муҳожирларининг мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётидаги ролини ҳам кўрсатиши мумкин.

Тан олишимиз керак, узоқ йиллар давомида дунёнинг қаеридадир меҳнат муҳожир-

ларимиз борлигини инкор қилиб келдик. Ҳатто муҳожир ватандошларимизни қораладик, уларни ишқамасликда, "гуллаб-яшнаётган" мамлакатимизга хиёнат қилганликда ҳам айбладик. Улар ўз юртида тайинли иш тополмай, бола-чақа ташвишида меҳнат қилаётгани ҳақи-

да қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилиб, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хориждаги меҳнатини қонунийлаштириш, уларнинг келиб-кейтишлари учун хавфсиз транспорт хизматини ташкил қилиш, имтиёзли кредит



даги ҳақиқатни тан олмадик. Ватандошларимизнинг меҳнат ҳуқуқларини қонунийлаштириш у ёқда турсин, ҳатто келиб-кейтишлари учун шароит яратиш ҳақида ўйламадик ҳам. Автобус ва енгил машиналарда не-не умидлар билан йўлга чиққан ёки ота-онаси, ёри, фарзандлари дийдорига ошиқиб, юртга қайтаётган қанчадан-қанча йигитларимиз Россия, Қозоғистонда йўл-транспорт ҳодисаларига учраб, нобуд бўлдилар...

Айрим ёшларимиз эса билиб-билмай жиноий гуруҳлар сафига кириб қолдилар. Ҳатто дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида кўпорувчилик ҳаракати содир этилса «Ўзбекмасмикан» деган хавотирга ҳам тушадиган бўлиб қолдик.

Бугунга келиб эса меҳнат муҳожирларига бўлган муносабат, айниқса, сўнгги уч йилда бу борадаги қарашлар тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқаролар, уларнинг оила-аъзоларини ҳар томонла-

ажратиш, уй-жой билан таъминлаш, пенсия таъминоти билан боғлиқ чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Бахтсиз ҳодиса ёки оғир касалликка чалинганларга зудлик билан тиббий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш ёхуд шошилишч Ўзбекистонга олиб келиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ҳам ташкил қилинди. Ҳатто энди бирон-бир фалокат туфайли чет элда ҳалок бўлган ватандошларимизнинг жасади ўзга юртларда қолиб кетмайдиган бўлди.

Ҳа, мамлакатимизда чин маънодаги янгиликлар рўй беряпти. Бугун чет элда ишлаётган ва тахсил олаётган юртдошларимизнинг бўлажак сайловларда муносиб иштирок этишларини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу пайтгача эшитганмисиз, бирон-бир сиёсий партия вакиллари хорижда бориб, меҳнат мигрантларининг муаммоли масалаларини муҳокама қилганини?

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси би-

ринчилардан бўлиб ана шундай хайрли ишга қўл урди, дейиш мумкин. Новосибирск сафари давомида Хилокс савдо марказида ишлаётган ватандошларимиз билан ҳам учрашув ташкил этилди. Юртдошларимизнинг яшаш, ишлаш шароитлари ўрганилди. Мавжуд муаммолар, патентлар нархидан тортиб, маҳаллий мутасаддилар муносабатигача атрофлича таҳлил этилди. Уларга Президентимизнинг хорижда ишлаётганлар ҳаёти билан боғлиқ фармон ва қарорлари ҳақида атрофлича маълумотлар ҳам берилди. Шу ўринда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодир Мухторов ва Бандлик ва меҳнат вазирилик хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг масъул ходими Азамат Матлюбов иштирокидаги қандайдир кўпчилик ватандошларимизнинг ушбу масалаларга қизиқиши юқори эканини ҳам кўрсатди.

— Сафар давомида меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ масалалар кўпинча кабинетларда муҳокама этилаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодир Мухторовнинг айни шу масалаларда маҳаллий кенгаш депутатлари, хусусан, Новосибирск шаҳар депутатлар Кенгаши раиси ўринбосари Е.Яковенко билан учрашиб, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама қилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, партиянинг «Ватандошга суянчимиз» лойиҳасига старт берилиб, бу борада дастлабки қадам қўйилди.

Яшйилик билан ёмонлик ўртасидаги масофа ниҳоятда яқин, деганларидек, шундай учрашувлардан бири яқунланмай туриб, курилишда ишлаётган чортоқлик ватандошимиз М. Сотиболдиев бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этгани ҳақида хабар келди. Бош консулимиз ҳамроҳлигида делегация аъзолари тездан марҳумни Ўзбекистонга қайтариш чораларини кўра бошладилар...

Минг шукрки, М.Сотиболдиевнинг шерги андижонлик Азизбек Султонов омон қолибди. Партиядошларимиз шу куни бемор йигитнинг ҳолидан хабар олиб, шифокорлар билан унга қандай ёрдам кўрсатиш бора-сида учрашдилар.

Россияга сафардан кўзланган асосий мақсад Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туғилган, 2012-2015 йилларда Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежида тахсил олиб, 2016 йилнинг июнь ойида Санкт-Петербургдаги Фуқаро авиацияси институтида ўқишга кетиб, 2017 йилнинг 3 июнь кунини Москва шаҳри, Голяново тумани ИИБ томонидан қўлга олинган ва ҳеч қандай исбот ва далилсиз 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган Маъруфжон Шакарлов билан учрашиш эди.

Ана шу учрашув сафарнинг тўртинчи кунини амалга ошди...

Хўш, Маъруфжон Шокиров билан Смоленск вилояти, Сафонова шаҳарчасида жойлашган 3-сонли жазони ижро этиш муассасасидаги учрашувдан кейин партия қандай қарорга келди?

**КУТИНГИ
КЕЛГУСИ СОНДА
ЎҚИЙСИЗ.**

**Равшан МАҲМУДОВ,
Умид АРСЛОНБЕКОВ,
"Milliy tiklanish"
муҳбирлари**



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАЎзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9, 14 ва 16-моддаларига асосан
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари
сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

1-Нукус сайлов округи

(Маркази — Нукус шаҳри, Нукус тиббиёт коллежи биноси).

Нукус шаҳри: "Чимбой чойхона", "Халқлар дўстлиги", "Шифи", "Шоирлар овули", "Тинчлик", "Дўстлик", "Сарбиназ", "Тунғиш қонис", "Курилишчи", "Қосқол", "Алмазар", "Ели абат", "Дарбент", "Қум овул", "Жеке терек", "Туран", "Темир йўл", "Орнек Нур", "Бақшылық", "Жаъна базар", "Қизил қўм", "Жайхун", "Наврўз", "Наўқан боғ", "Жувозчи", "Бестобе", "Боз овул", "Ақ отаў", "Гузар", "Береке", "Гарезизлик", "Наўбахар", "Ватанпарвар", "Жипек жолы", "Дослық гузары", "Гулзар", "Теле орай", "Қаратаў" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;
Амударё тумани: "Қипчоқ" шаҳарча фуқаролар йиғини, "Уйшин", "Дарё бўйи", "Беш том", "Қум ёп", "Босув" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва "Қипчоқ", "Назархон", "Қангли", "Оқ олтин", "Тўлқин", "Чойкўл" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида (140,8).

2-Тўртқўл сайлов округи

(Маркази — Тўртқўл тумани, 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси).

Тўртқўл тумани худуди чегараларида;
Беруний тумани: "Навоий", "Шимом" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида (140,5).

3-Элликқалъа сайлов округи

(Маркази — Элликқалъа тумани, 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси).

Элликқалъа тумани худуди чегараларида;
Беруний тумани: "Бўстон", "Тулистон", "Бирлик", "Истиқлол", "Пахтакор", "Навоий", "Дўстлик", "Амир Темур", "Янгиобод", "Тўқимачи", "Бунёдкор", "Хоразм", "Қият", "Наврўз", "Марказий", "Жайхун", "Шоббоз", "Турон", "Ибн Сино" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва "Шоббоз" овул фуқаролар йиғини чегараларида (145,4).

4-Амударё сайлов округи

(Маркази — Амударё тумани, 3-сонли академик лицей биноси).

Амударё тумани: "Жумуртов" шаҳарча фуқаролар йиғини, "Навоий", "Чордара", "Бой овул", "Дурунки", "Дўстлик", "Янгиобод", "Фаровон", "Беруний", "Олмазор", "Гулзор", "Ойбек", "Бўстон", "Боз", "Арна бўйи", "Хизр эли", "Беш овул", "Тош қала", "Юқори қишлоқ", "Аёқчи", "Намуна", "Тор ёп", "Қизилчоли", "Бўз солма", "Қорамон", "Ўзбекистон", "Жумур овул" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва "Амир Темур", "Тош ёп", "Урта қала", "Қиличбой", "Холима", "Дўрмон", "Бўз ёп", "Хитой", "Қуоқ кўпир", "З.М.Бобур" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Беруний тумани: "Палваз", "Жуманиязов", "Найман", "Қангшартол", "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва "Беруний", "Бийбозор", "Олтинсой", "Абай", "Дўстлик", "Махтумқули", "Озод", "Тинчлик", "Саркоп", "Қизилқалъа" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида (144,3).

5-Хўжайли сайлов округи

(Маркази — Хўжайли тумани, Хўжайли транспорт касб-хунар коллежи биноси).

Хўжайли тумани худуди чегараларида;

Тахтақўл тумани худуди чегараларида;

Шўманой тумани: "Қарабайлы", "Моншақлы", "Маденият", "Айбуйир", "Таза базар", "Наўрыз" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва "Мамый", "Бегжал", "Бирлешик", "Сарманбайқол", "Кетенлер", "Ақ жап" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида (141,7).

6-Чимбой сайлов округи

(Маркази — Чимбой тумани, Чимбой педагогика коллежи биноси).

Чимбой тумани худуди чегараларида;
Қораўзақ тумани худуди чегараларида;
Тахтақўл тумани худуди чегараларида;
Кегейли тумани: "Ақтуба", "Жалпақжап", "Қумшунгул" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида (136,2).

7-Орол сайлов округи

(Маркази — Кўнғирот тумани, Кўнғирот саноат касб-хунар коллежи биноси).

Кўнғирот тумани худуди чегараларида;
Мўйноқ тумани худуди чегараларида;
Қонлиқўл тумани худуди чегараларида;
Бўзатов тумани худуди чегараларида;
Шўманай тумани "Дийханабад" овул фуқаролар йиғини чегараларида (141,8).

8-Ақманғит сайлов округи

(Маркази — Нукус тумани, 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси).

Нукус тумани худуди чегараларида;
Кегейли тумани: "Нурлы бостан", "Жылған жап", "Маденият", "Абат макан", "Гужим терек", "Бахытлы", "Қуяшлы", "Алтын тала" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва "Абат", "Жузимбаг", "Жаъна базар" овул фуқаролар йиғинлари чегараларида;
Нукус шаҳри: "Ботаника боғи", "Айдын жол", "Жийдели байсин", "Кок озек", "Таслақ", "Байтерек", "Наупир", "Ақ жағис", "Саманбай", "Анасай", "Амударья", "Жолшылар", "Алланияз", "Қаҳарман", "Қутлы макан", "Каттағар", "Гоне қалъа", "Ҳаво йўли", "Қосбулақ", "Қумбиз овул", "Қутлуғ қонис" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (139,0).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

9-Андижон сайлов округи

(Маркази — Андижон шаҳри, Андижон вилояти Касаба уюшмалари бирлашмаси биноси).

Андижон шаҳри: "Боғишамол", "Буюк Ипак йўли", "Янги ҳаёт", "Боғи эрам", "Ўзбекистон 20 йиллиги", "Қоратут", "Ёйилма", "Соғлом авлод", "Баркамол", "Ўзбегим", "Иқбол", "Уриқзор", "Пистамозор", "Мустақиллик", "Навбахор", "Дўстлик", "Мирпўстин", "Шўрбулоқ", "Исломобод", "Тараққиёт", "Ҳамкорлик", "Машъал", "Ал-Бухорий", "Аҳмад Яссавий", "Бўстон", "Андижон", "Садоқат", "Тулистон", "Ишчилар", "Маориф", "Янги турмуш", "Бобосаъдин", "Бирлашган", "Тахтақўлприк", "Мазрифат", "Жумабозор", "Қайрағочтаги", "Ербоши", "Сой", "Соғлом турмуш", "Саҳоват", "Буюк Турон", "Истиқлол", "Шифокор", "Бунёдкор", "Қўшариқ" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (138,1).

10-Олтинқўл сайлов округи

(Маркази — Олтинқўл тумани, Ёшлар иттифоқи Олтинқўл тумани кенгаши биноси).

Олтинқўл тумани худуди чегараларида;

Балиқчи тумани: "Оқтепа", "Сиза", "Насриддинобод", "Маллачек", "Навниҳол", "Тулкибод", "Товулди", "Янги ҳаёт", "Гулшан", "Илғор", "Ўлмас", "Сирмок", "Доғистон", "Ўзчинор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (139,0).

11-Бўз сайлов округи

(Маркази — Бўз тумани, туман тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси биноси).

Бўз тумани худуди чегараларида;
Шаҳрихон тумани: "Найман", "Кўрғонча", "Байроқ", "Бобочек", "Маслаҳаттепа", "Оқ олтин", "Шерқўрғон", "Бирлашган", "Қумқайроқ", "Абдубий", "Сузоқ", "Қашқар", "Сарой", "Пахтақўл", "Дориломон", "Бешмаҳалла", "Ваҳим", "Янги Ваҳим", "Карнайчи", "Сохиобод", "Тумор", "Янги маҳалла", "Дўлан", "Назармаҳрам", "Қумтепа", "Кўрғонча", "Янги Найнаво", "Қушқўноқ", "Қорабўйин", "Янги замон", "Қумариқ", "Тўлқин", "Дўстлик", "Чўжа", "Бўстон", "Қуруқсой", "Эшонқишлоқ", "Навбахор", "Бўстон", "Қайроғочгузар" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (139,0).

12-Шаҳрихон сайлов округи

(Маркази — Шаҳрихон тумани қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи биноси).

Шаҳрихон тумани: "Оқтўнлик", "Шайдо", "Қалъача", "Баркамол авлод", "Полосон", "Қозикўрғон", "Янги турмуш", "Шокирбой", "Андажон", "Тегирмонбоши", "Наврўз", "Яккатут", "Абдусаммад", "Бешарик", "Номозгоҳ", "Мустақиллик", "Янги ҳаёт", "Бувайда", "Қора кўрпа", "Муллабой", "Андижонлик", "Шаҳрихон", "Ўзбекистон", "Тараққиёт", "Терактаги", "Қипчаққўрғон", "Юзлар", "Марказ", "Найман", "Ёнбош", "Дўрмон", "Хўжаобод", "Ортиш", "Сегаза", "Бегбача", "Қум" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Асака тумани: "Шўрқишлоқ", "Қипчоқ", "Фаровон", "Мирзаобод", "Намуна-бўстон", "Оқбўйра", "Элаш-қипчоқ", "Хоноқа", "Тоштепа", "Дўрмон", "Аргин", "Тувадоқ", "Файз", "Навкан", "Қадам", "Учтош", "Қовоқ тўпи", "Бозорбоши", "Турон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (140,6).

13-Асака сайлов округи

(Маркази — Асака тумани автомобилсозлик касб-хунар коллежи биноси).

Асака тумани: "Кўнғирот", "Қурама", "Ғанчиюз", "Гумбаз", "Фидокор", "Марказ", "Озод", "Унгул", "Дастурхончи", "Тажриба", "Лағбардон", "Сайдобод", "Неъматобод", "Эргашобод", "Кўркам", "Янгисор", "Файзобод", "Ахгачи", "Деватаги", "Қорақий", "Отиш", "Обод", "Қашқар", "Олақанот", "Чек", "Қужан", "Навоий", "Чўнтақ", "Юқори бўз", "Бўзариқ", "Қайрағоч", "Бахрин", "Ниёзботир", "Меҳнатобод", "Янгиобод", "Нурафшон", "Ибн Сино", "Истиқлол", "Бобур", "Байналмилал", "Беруний", "Барака", "Муқимий", "Қадрият", "Бирлик", "Бирдамлик", "Амир Темур", "Ҳамдўстлик", "Ўзбекистон", "Шодлик", "Қамолот", "Улуғбек", "Дўстлик", "Юқалиш" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (140,7).

14-Марҳамат сайлов округи

(Маркази — Марҳамат тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи биноси).

Марҳамат тумани худуди чегараларида;
Булоқбоши тумани: "Бозорбоши", "Сой бўйи", "Кўприқбоши", "Нефтчилар", "Истиқлол", "Баландчек", "Саноат", "Ербоши", "Раиш", "Ривож", "Барлос", "Тинчлик", "Чақар" маҳалла

фуқаролар йиғинининг Роҳат, Шўртена ва Қовоқ кўчалари чегараларида (136,2).

15-Хўжаобод сайлов округи

(Маркази — Хўжаобод тумани, 28-умумтаълим мактаби биноси).

Хўжаобод тумани ҳудуди чегараларида:

Будокбоши тумани: Маҳалла фуқаролар йиғинининг Боғдон кўчаси, "Уч тепа", "Зарғалдоқ", "Ширмонбулоқ", "Навойи", "Қақир", "Сарбонтена", "Соҳибкор", "Нурзамин", "Қашқар", "Байналмилал", "Шарқ юлдузи", "Қумарик", "Фаровон", "Гулистон", "Хонтена", "Дўлана", "Шоҳгузар", "Боймаҳалла", "Учкўча", "Юксалиш", "Буёқ Турон", "Қумгузар", "Тошкечик", "Мирзақалон Исмоилий" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (130,4).

16-Пахтаобод сайлов округи

(Маркази — Пахтаобод тумани енгил саноат касб-хунар коллежи биноси).

Пахтаобод тумани ҳудуди чегараларида:

Избоскан тумани: Юқори Чуваяк, Қораянқоқ, Чўртонлик, Қум кўча маҳалласининг Сарой, Рисола, Эски тегирмон кўчалари ҳудудлари чегараларида (134,9).

17-Қўргонтепа сайлов округи

(Маркази — Қўргонтепа тумани тиббиёт коллежи биноси).

Хонобод шаҳри:

Қўргонтепа тумани: "Навбахор", "Бирлашган", "Нафосат", "Ободон", "Тадбиркор", "Бирлик", "Чорвадор", "Янги бўстон", "Янги ҳаёт", "Абдурахмон Жомий", "Ибн Сино", "Янги кўрган", "Муствақиллик", "Буёқ замин", "Наврўз", "Устоз", "Юксалиш", "Нурли ёғду", "Истиқлол", "Хон кўча", "Шахрихонсой", "Гулистон", "Олтин водий", "Обод турмуш", "Учқун", "Маъмуробод", "Қўтқар", "Заҳрирдин Муҳаммад Бобур", "Бозорбоши", "Деҳқонобод", "Хўжатепа", "Кўштепа", "Тошлоқ", "Ифтихор", "Ғайрат", "Ижтимоат", "Эшонобод", "Навниҳол", "Турон замин", "Норбўта", "Бешкалтак", "Намуна", "Суткон", "Олтинсой", "Деҳқончек", "Тўрачек", "Дўстлик", "Озод", "Кўнчилик", "Хуробод", "Жаннатбулоқ", "Жаннатмақон", "Буёқ Турон", "Соҳибкирон", "Янгиобод", "Юксалиш", "Мирзо Улуғбек", "Пахтачи", "Бирлик", "Муствақиллик", "Аҳмад Ясавий", "Амир Темур", "Муствақилликнинг 15 йиллиги", "Уч тегирмон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (133,1).

18-Избоскан сайлов округи

(Маркази — Избоскан тумани, 6-сонли болалар музыка ва санъат мактаби).

Избоскан тумани: "Наврўзобод", "Тараққиёт", "Абдурахмон Жомий", "Туячи", "Мангуберди", "Бўстон", "Дўстлик", "Янги бўстонобод", "Чекёр", "Ровот", "Навжур", "Ҳаққубод", "Юқори", "Амир Темур", "Марказ", "Қашқарлик", "Анорзор", "Бешмирза", "Гуркиров", "Тошкечик", "Узункўча", "Бештерак", "Ўртақишлоқ", "Қуйғанёр", "Қўғай", "Урганжи", "Мирзо Улуғбек", "Тошлоқ", "Тўраобод", "Янги авлод", "Гузар", "Истиқлол", "Тўртқўл", "Тинчлик", "Ботирибод", "Элатан", "Ифтихор", "Гудур", "Боймаҳалла", "Ойбек", "Алишер Навоий", "Бирлашган", "Барҳаёт", "Гулистон", "Даминбойчек", "Дарёбўйи", "Жонобод", "Заҳрирдин Муҳаммад Бобур", "Жаҳонобод", "Зарбдор", "Иттифоқ", "Обод", "Оқолтин", "Солбоши", "Шинам", "Шодлик", "Юқори ҳосил", "Янгиобод", "Қўшқўприк" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,5).

19-Хортум сайлов округи

(Маркази — Андижон тумани, Оқёр саноат касб-хунар коллежи биноси).

Андижон тумани: "Ойжамола", "Дарёбўйи", "Бах", "Саноат", "Юксалиш", "Найманообод", "Нўхатак", "Истиқлол", "Роҳат", "Орол", "Сайдиллобод", "Янгиобод", "Қўқонлик", "Бобоғози", "Айланпа", "Дўдир", "Чўмбоғич", "Бекобод", "Қорақалпоқ", "Гулобод", "Чавқандарё", "Кенгаш", "Садратағи", "Гулистон", "Ҳақиқат", "Отчопар", "Катта гузар", "Шарқ юлдузи", "Чилон", "Март", "Наврўз", "Оқровот", "Муствақиллик", "Бешпаҳлавон", "Маориф", "Намуна", "Деҳқон", "Султонобод", "Ўриқзор", "Исмолобод", "Янгиқўлқин", "Жевачи", "Гузар", "Буёқ Турон", "Заврок", "Тадбиркор", "Жаҳонобод", "Дўстлик", "Тошлоқ", "Терактаги", "Қўшчинор", "Жаннатмақон", "Минг ўрик", "Ровот", "Қурама", "Зангибобод", "Янги йўл", "Интилиш", "Оғуллик", "Қумкўча", "Тумбаз", "Чем", "Қоратут", "Дархон", "Пистамозор", "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (141,0).

20-Чинобод сайлов округи

(Маркази — Балиқчи тумани индустриал педагогика касб-хунар коллежи биноси).

Улғунор тумани ҳудуди чегараларида:
Балиқчи тумани: "Аълам", "Файзобод", "Адолат", "Қўргонча", "Қаҳрамон", "Гузар", "Дарёбўйи", "Ботир", "Омонарик", "Тумор", "Фаровон", "Шўр", "Ифтихор", "Нурафшон", "Сарнаул", "Қумтепа", "Қияли", "Тўда", "Захаш", "Саховат", "Истиқлол", "Халфачек", "Эшончек", "Зулфиқор", "Дўстлик", "Юртобод", "Полвонқўл",

"Дўнгсарой", "Муқанна", "Чарогон", "Мумтоз", "Жартена", "Матонат", "Афсона", "Олчазор", "Аралхон", "Серқўёш", "Ўртақўргон", "Гўравон", "Яккатол", "Эскимарказ", "Каттабулоқ", "Марказ", "Оққўргон", "Авесто", "Қўл", "Баркамол", "Шеробод", "Сортепа", "Жасорат", "Туркистон", "Қўлбўйи" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (136,6).

21-Истиқлол сайлов округи

(Маркази — Андижон шаҳри, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши биноси).

Андижон шаҳри: "Майдонбозор", "Яхши", "Ғайрат", "Ўзгарин", "Эркин", "Кенгаш", "Тўққизариқ", "Қаландархона", "Бобур", "Хунарманд", "Обод", "Оқровот", "Тумбаз", "Мадания", "Ҳамдўстлик", "Деҳқонобод", "Садда", "Бирлик", "Озодлик", "Уйғуробод", "Намуна", "Наврўз", "Хўтанариқ", "Ўзбекистон", "Саноат", "Фаробий", "Муствақилликнинг 21 йиллиги", "Шоладирама", "Меҳнат", "Далварзин", "Шодлик", "Найзақайрағоч", "Сарвонтепа", "Чўлпон 100 йиллиги", "Хурсандлик", "Пахтакор", "Сафойи" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Андижон тумани: "Қўшариқ", "Полосон", "Хўжа", "Миробод", "Толмозор", "Экин-тикин", "Чорбоғ", "Дамарик", "Айрилиш", "Бешбўйноқ", "Дўнгқишлоқ" маҳалла фуқаролари йиғинлари чегараларида (142,8).

22-Жалақудуқ сайлов округи

(Маркази — Жалақудуқ тумани педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи биноси).

Жалақудуқ тумани ҳудуди чегараларида:

Қўргонтепа тумани: "Зарбулоқ", "Ертибоши", "Қизилтўқай", "Қирлик", "Навойи", "Нодира", "Найнаво", "Дардоқтепа", "Иқтисодчи" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (131,9).

БУХОРО ВИЛОЯТИ

23-Бухоро сайлов округи

(Маркази — Бухоро шаҳри, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг вилоят бошқармаси биноси).

Бухоро шаҳри: "Тўқимачи", "Фошун", "Дўстлик", "Истиқлол", "Лоша", "Олим Хўжаев", "Садриддин Айний", "Хўжа Мушқин", "Варахша", "Раззоқ Ҳамроев", "Гулшан", "Ешлик", "Боғидашт", "Навбахор", "Ойбек", "Намозгоҳ", "Баҳоуддин Наҳшбанд", "Маҳмуд Торобий", "Абдуллои Сифатмуний", "Аҳмад Донийш", "Авшормаҳалла", "Тошмачит", "Пиридастгир", "Шодлик", "Амир Темур", "Зарафшон", "Бунёдкор", "Наврўз", "Беҳиштиён", "Низомий", "Турки Жандий", "Хўжа Ғунжорий", "Жуйбор", "Шергирон", "Чорбахосса", "Мухтор Ашрафий", "Файзулла Хўжаев", "Жалол Икромий", "Ҳавзи-нав", "Фитрат", "Имом ал-Бухорий", "Мирзо Улуғбек", "Ҳамид Олимжон", "Фурқат", "Алишер Навоий", "Ибн Сино", "Шайх-ул Олам", "Кўксарой", "Қўқалдош", "Собир Раҳимов", "Дилқуш", "Гулистон", "Муҳаммад Наршахий", "Саъдий Шерозий", "Гулчорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (137,4).

24-Когон сайлов округи

(Маркази — Когон шаҳри, Темир йўлчилар маданият саройи биноси).

Когон шаҳри ҳудуди чегараларида:

Когон тумани ҳудуди чегараларида:
Қоровулбозор тумани ҳудуди чегараларида:
Бухоро шаҳри: "Янгиобод", "Ғафур Гулом", "Сайфиқдин Бохарзий", "Мутал Бурхонов", "Ширбудин", "Моҳи-хосса", "Шайхон", "Отбозор", "Шарқ юлдузи", "Абдуҳалиқ Ғиждувоний" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,0).

25-Шоҳруд сайлов округи

(Маркази — Бухоро тумани, "Работак" маҳалла фуқаролар йиғини биноси).

Бухоро тумани ҳудуди чегараларида:

Ромитан тумани: "Зарафшон", "Бобур", "Алишер Навоий", "Гулистон", "Афросиёб", "Ибн Сино", "Чандир", "Чилонғу", "Тошработ", "Урганжиён", "Деча", "Ғазберон", "Хоса" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;
Жондор тумани: "Самончук", "Мурғак", "Денов" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ҳамда "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Истиқлол ва Оққўжа аҳоли пунктларининг чегараларида (134,8).

26-Ибн Сино сайлов округи

(Маркази — Пешку тумани, Афсона тиббиёт коллежи биноси).

Пешку тумани: "Ибн Сино", "Садр", "Дейча", "Янгибозор", "Муствақиллик", "Чигирчи", "Малишояқ", "Боғимусо", "Навбахор", "Валфажр", "Зандани", "Бобоҳож", "Хорхаш", "Жонгелди", "Маҳалли-Миришкор", "Сўсана", "Талисбун", "Навойи", "Ўзбек", "Қалъа", "Варахша", "Туркистон", "Ўғелвўжа", "Обидхўжа", "Навгаҳон", "Шавгон", "Чибогон", "Ўғлон", "Қучоқ", "Хуррам", "Пешку", "Гулистон", "Камолот" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ҳамда "Қорақалпоқ" маҳалла фуқаролар йиғинининг Маҳаллагижжа аҳоли пункти чегараларида;

Ромитан тумани: "Бахтиёрчи", "Қўргон", "Азизон", "Ўзбекистон", "Самосий Тарнаут", "Аттарон", "Миришкор", "Ўба", "Богча", "Ромитан", "Қаҳрамон", "Қалайчорбоғ", "Муғонча", "Қумработ", "Боғитуркон", "Боғисайдон", "Ҳофизработ", "Хўжаубдон", "Хазорат", "Марзия", "Шўрбод", "Ўтабек", "Истиқлол", "Навбахор", "Шўрча", "Ифтихор", "Пойжўй", "Қоқшувон", "Газли", "Байналмилал", "Қизил Равот" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (129,0).

27-Варахша сайлов округи

(Маркази — Жондор тумани, Жондор саноат касб-хунар коллежи биноси).

Жондор тумани: "Хумдонак", "Кўлиён", "Шўрбод", "Демун", "Хазорман", "Пўлоти", "Занги", "Хумин", "Қалмоқ", "Қозикенти", "Болиооб", "Қароли", "Хўжахайрон", "Эроншоҳ", "Довуд", "Пахлавон", "Янгиобод", "Муствақиллик", "Қараул", "Почкойи", "Ойтуғди", "Баҳористон", "Нурафшон", "Тобағар", "Дарवेशи", "Чорзна", "Алели", "Обод", "Работ", "Жондор", "Навгади", "Тинчлик", "Зарафшон", "Пахтакор", "Охшиқ", "Қовчин", "Намгону", "Ибн Сино", "Луқмон", "Далмунобод", "Жамият", "Ойдин", "Ромиш", "Оқтепа", "Қазакон", "Мирзаён", "Ёш куч" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ҳамда "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Эскиён аҳоли пунктининг чегарасида;

Қорақўл тумани: "Сайё", "Солур", "Аликахўжа", "Пайкент", "Шўрработ", "Қулоччи", "Қорақўл", "Дўрмон", "Тожиқент", "Бандбоши", "Реги Хайдар", "Зиёрат", "Тайқир", "Тинчлик", "Дўстлик", "Хўжалар" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (137,9).

28-Пайкент сайлов округи

(Маркази — Қорақўл тумани, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қорақўл тумани бўлими биноси).

Олот тумани ҳудуди чегараларида:

Қорақўл тумани: "Эски қалъа", "Пахтакор", "Чекирчи", "Зарафшон", "Маллашайх", "Хўжақон", "Оқ олтин", "Човли", "Муствақиллик", "Мироб", "Мирзақалъа", "Полвонлар", "Янгизамон", "Камолот", "Қорахож", "Арабхона", "Деҳқонобод", "Ваҳим", "Қорақулони", "Жигачи", "Осиё", "Кетмондўғди", "Қувача", "Янги қалъа", "Чандиробод", "Арна", "Қуй Янгибозор", "Даргабоғи", "Даргали", "Шакарбек", "Истиқлол", "Ташаббус", "Янгитурмуш", "Қозон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (136,5).

29-Жилвон сайлов округи

(Маркази — Шофиркон тумани, 9-сон болалар музыка ва санъат мактаби биноси).

Шофиркон тумани ҳудуди чегараларида:

Ғиждувон тумани: "Кўчта", "Халқобод", "Таварийён", "Калон", "Сарвари", "Олмазор", "Қўриқ" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Пешку тумани: "Дўстлик", "Янгиобод", "Хўлбор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида, "Қорақалпоқ" маҳалла фуқаролар йиғинининг Қорақалпоқ, Арбобхожи аҳоли пункти чегараларида (130,3).

30-Ғиждувон сайлов округи

(Маркази — Ғиждувон тумани, Ғиждувон агроасаноат касб-хунар коллежи биноси).

Ғиждувон тумани: "Қоработ", "Помўза", "Чорсу", "Дилқушо", "Абдулла Қаҳор", "Нодирабегим", "Файзулло Юнусов", "Гулистон", "Абдуҳалиқ Ғиждувоний", "Сардор", "Дегрезон", "Қўргон", "Файзулла Хўжаев", "Бобур", "Бўлақийён", "Маҳалла", "Муствақиллик", "Зарангар", "Пахтаобод", "Амиробод", "Айиртом", "Тошлоқ", "Шарқ", "Ростғўй", "Оқработ", "Барака", "Баққоллар", "Ғишти", "Бештуво", "Улфатбиби", "Қумоқ", "Карна", "Позағари", "Додарак", "Мирақон", "Тарханон", "Саидқент", "Соктари", "Мазаган", "Биёсин", "Қўшқ", "Вазиршоҳ", "Буктарой", "Обод", "Чағдари", "Тахтақон", "Сармижон", "Жовғари", "Лабирўд", "Ғаждумак", "Кўлижаббор", "Оқул", "Гулистонобод", "Хавзак" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (130,0).

31-Вобкент сайлов округи

(Маркази — Вобкент тумани, Вобкент қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежи биноси).

Вобкент тумани ҳудуди чегараларида:

111-Фарғона сайлов округи

(Маркази — Фарғона шаҳри, Ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали биноси).

Фарғона шаҳри: "Ифтихор", "Ўрмончилар", "Ш.Рашидов", "Ал Фарғоний", "Сой бўйи", "Ибрат", "Ёшлар", "Фарғона", "Шодиёна", "Янги сой", "Маърифат", "Симтепа", "Баҳор", "Фурқат", "Ойбек", "Янги йўл", "Зарбдор", "Гулистон", "Мустақиллик", "1-Беш бола", "Шакарқиллоқ", "Жўйдам", "Тўқимачилар", "Бўстон", "С.Темур", "Наврўз", "Машъал", "А.Навоий", "Оқариқобод", "Дўстлик", "Совурбулоқ", "Афросиёб", "Мададкор", "М.Улуғбек", "Парвоз", "Нодирабегим", "Беш бола", "Ёрмозор", "Оқариқ", "Дашт", "Шаршара", "Шодлик", "Нафосат", "Соҳибкор", "Гулзор", "Беглар", "Табассум", "Беруний", "Ҳамкорлик", "Маданият", "Истиқбол", "Меҳрибонлик", "Навбахор", "Юлдаш", "Ибн Сино", "Баркамол", "Кимёгар", "Муруват" маҳалла фуқаролар

йиғинлари чегараларида (144,4).

112-Водил сайлов округи

(Маркази — Фарғона тумани маданият уйи биноси).

Фарғона тумани ҳудуди чегараларида (141,1).

113-Тошлоқ сайлов округи

(Маркази — Тошлоқ тумани, 22-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси).

Тошлоқ тумани ҳудуди чегараларида:

Қува тумани: "Ақбаробод", "Дамариқ", "Юзья", "Гулистон", "Қандабулоқ", "Олтиариқ" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,6).

114-Қува сайлов округи

(Маркази — Қува тумани Бандликка кўмаклашиш маркази биноси).

Қува тумани: "Байналмилал", "Пахтакор", "Қалинпўстин", "Чилон", "Баҳор", "Мустақиллик", "Ўрабоши", "Сойкелди", "Намуна", "Толмозор", "Турк", "Янгичек", "Қақир", "Бойистон", "Янги ҳаёт", "Қорақум", "Ўзбек", "Иттифоқ", "Саноатчилар", "Султонобод", "Бўстон", "Янгиобод", "Деҳқонобод", "Ифтихор", "Сўфи", "Қайирма", "Найман", "Катта Деҳқонобод", "Каттақиллоқ", "Жалоев", "Қашқар", "Болалик", "Пандигон", "Туркоров", "Пастки Хўжа-Ҳасан", "Катта Қашқар", "Новкент", "Қорашоқ", "Маданият", "Хонобод", "Пастки Хонобод", "Сойгузар", "Янгиқиллоқ", "Юқори Қўрғонча", "Тожиққиллоқ", "Тумхона", "Оққўрғон", "Қува", "Тошкент", "Тинчлик", "Тошқовуз", "Тахтақўприк", "Раста", "Ғалаба", "Гўзал", "Ўзбекистон", "Мўйдин Ҳасанов", "Гуллобод", "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (143,2).

115-Қувасой сайлов округи

(Маркази — Қувасой шаҳри маданият бўлими биноси).

Қувасой шаҳри ҳудуди чегараларида:

Ёзёвон тумани ҳудуди чегараларида:

Фарғона шаҳри: "Бобур", "Истиқлол", "Ўзбекистон", "Ал Хоразмий", "Абдурахмон Жомий", "Абдулла Қодирий", "Тинчлик", "Лозазор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (145,5).

116-Навбахор сайлов округи

(Маркази — Фурқат тумани халқ таълими бўлими биноси).

Фурқат тумани ҳудуди чегараларида:

Сўх тумани ҳудуди чегараларида:

Ўзбекистон тумани: "Намуна", "Дўнгсарой", "Қораёзобо" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Бешариқ тумани: "Наби", "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (132,2).

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

117-Урганч сайлов округи

(Маркази — Урганч шаҳри, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали биноси).

Урганч шаҳри ҳудуди чегараларида:

Урганч тумани: "Олтинкул", "Арбоблар", "Ёшлик", "Мевазор", "Шодлик", "Бўстон", "Оқолтин", "Боғдорчи", "Ҳамид Олимжон", "Кўна овул", "Қипчоқ", "Бободорқон", "Киллавул", "Чондир", "Бақайлар", "Тажриба", "Қайчили", "Қиёт", "Қумравот" ва "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (149,7).

118-Богот сайлов округи

(Маркази — Богот тумани, Богот маънавий хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи биноси).

Богот тумани ҳудуди чегараларида:

Ҳазорасп тумани: 12-Нарвон, Жувондур маҳалласининг Ташаббус ва Барҳаёт кўчалари, Пичоқчи маҳалласининг Махтумлар ва Минг отлик кўчалари ҳудудлари чегараларида;

Янгиариқ тумани: "Қўриқтон", "Пўрсанг", "Ширшоли", "Янгиер", "Қармиш", "Шихбоғи", "Шеробод", "Остона", "Қўшлоқ", "Хўжалар", "Чақир", "Сардорлар", "Қоракўз", "Чиқирчи", "Оқ мачит", "Ангиариқ", "Уйғур", "Тузлок", "Улуғбек", "Янгиариқ", "Огаҳий", "Янгиобод" ва "Урганч" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (149,6).

119-Гурлан сайлов округи

(Маркази — Гурлан тумани, Гурлан хизмат кўрсатиш ва транспорт касб-хунар коллежи биноси).

Гурлан тумани ҳудуди чегараларида:

Янгибозор тумани ҳудуди чегараларида (151,6).

120-Ҳазорасп сайлов округи

(Маркази — Ҳазорасп тумани, 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат биноси).

Ҳазорасп тумани: Амударё, Янгибозор, Киртепа, Жувархос, Алоқали кўл, Шовот, Юқори Шовот, Ғ.Ғулом, Карвак, Буюк Аждодлар, Янгиобод, Жангиота, Овшар, Оқ майдон, Истиқлол, Мухомон, Шоду хуррам, Шехёр-Муттири, Янги ҳаёт, Буюк сиймо, Наврўз, Боғирова, Бешта, Тўртта, Бўстон, Қовунчи, Оталиқ, Зеҳли, Мустақиллик, Боғдор, Ширин қудуқ, Саноат, Темирчи маскан, Жувондур маҳалласининг Тадбиркорлар, Ёшлар, А.Темур, Мангуберди, П.Маҳмуд, Жаҳонгирлар, Айланма, Қурувчилар кўчалари, Пичоқчи маҳалласининг Обод, Тинчлик, Истиқлол, Хива йўли, Гулзор, Дўстлик, Нурафшон ва Нури замин кўчалари, "Б.Матризаев", "Минг отликлар", "Сулаймон қалъаси", "Ойбек", "Ш.Рашидов", "Ал Хоразмий", "Ишчилар", "Узукка қош", "Охунбобоев", "Пастом", "Саяпир", "Саидлар", "Шехлар", "Обод", "Шарлаук", "Ёшлик", "Навбахор", "А.Ибрагимов", "Муҳаббат", "Ҳазорасп", "Саримой", "Нукус маскани", "Тупроққалъа" маскани маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (150,1).

121-Хонқа сайлов округи

(Маркази — Хонқа тумани, Хонқа педагогика ва спорт коллежи биноси).

Хонқа тумани ҳудуди чегараларида:

Янгиариқ тумани: "Арбоблар", "Қўнғирот", "Сабурзон", "Аччиқўйи", "Таган", "Гулшанда", "Севган", "Килловит", "Гулбоғ", "Вакиллар", "Боёт", "Дўстлик", "Каттабоғ", "Ғалат", "Эгрисолма", "Жалоев" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (149,2).

122-Хива сайлов округи

(Маркази — Хива шаҳри, Хива педагогика коллежи биноси).

Хива шаҳри ҳудуди чегараларида:

Хива тумани ҳудуди чегараларида (146,7).

123-Шовот сайлов округи

(Маркази — Шовот тумани, Шовот-қалъа маънавий хизмат касб-хунар коллежи биноси).

Шовот тумани ҳудуди чегараларида:

Урганч тумани: "Учқўприк", "Бешайвон", "Шерматлар", "Оқ ариқлар", "Шоликор", "Чакмакўл", "Ўртадўрмон", "Ҳидоят", "Орзу", "Бахшилар", "Ҳиллол", "Гуллобод", "Мироблар", "Мергановул", "Жайхун", "Анжирчилар", "Юқоривул", "Уйшин", "Араблар", "Мунис Хоразмий", "Комилжон Отаниёзов" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (150,6).

124-Қўшқўприк сайлов округи

(Маркази — Қўшқўприк тумани, Агрисаноат касб-хунар коллежи биноси).

Қўшқўприк тумани ҳудуди чегараларида:

Урганч тумани: "Ровот", "Оқён", "Қўнғирот", "Заргарлар", "Каттабоғ", "Абу Райхон Беруний", "Қоромон", "Юқорижирмиз", "Тандирчи", "Оёқбоғ", "Адолат", "Оқ мактаб", "Шаҳидонлар", "Ҳожибойлар", "Туркманлар", "Чўлобод", "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (148,5).

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

125-Қарши сайлов округи

(Маркази — Қарши шаҳри, "Ўзбекнефтегаз" АЖ биноси).

Қарши шаҳри: "Алишер Навоий", "Арал", "Араловул", "Амир Темур", "Беглар", "Боғишамол", "Геолог", "Ғафур Ғулом", "Гулшан", "Гулгон", "Дарвозатутқ", "Заҳокимарон", "Зозга", "Истиқлол", "Кат", "Комилон", "Кунчиқар", "Қавали", "Қарлиқбоғот", "Қарлиқхона", "Қиличбек кўрғонча", "Хонтена", "Мағзон", "Маҳаллот", "Маҳсимобод", "Мустақиллик", "Наво", "Наврўз", "Насаф", "Нахшаб", "Нефтчи", "Нуристон", "Ойдин", "Оқтепа", "Отчопар", "Пахтазор", "Пахтазор-1", "Роғузар", "Самарқанд", "Табассум", "Темир йўлчи", "Харамжўй", "Хонтена", "Худайзод", "Хўжаҳиёл", "Чакар", "Чармгар", "Чўлуқвар", "Шодлик", "Шоҳбек", "Шўртангаз", "Эскианжор", "Янги турмуш" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (142,4).

126-Бешкент сайлов округи

(Маркази — Қарши тумани, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қарши тумани бўлими биноси).

Қарши шаҳри: "Арабхона", "Батош", "Равоқ", "Қарши", "Шайхали", "Кўрғонча", "Каманди", "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ва Шайхали шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида;

Қарши тумани: Бешкент шаҳри, "Потрон", "Пахтакор", "Кахлак", "Куйи Бешкент", "Таликурон", "Шодлик", "Ўқубдин", "Мирмирон", "Узумзор", "Кўкчак", "Гулистон", "Шойхўжа", "Тинчлик", "Ковчин", "Янги ҳаёт", "Омонтепа", "Ширкент", "Ўзбекистон мустақиллиги", "Нуқрабод", "Мевазор", "Ертепа", "Хонобод", "Қорақучи", "Кожор", "Лаганди", "Хилол", "Керайит", "Чаман", "Богобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ва "Поштон" қишлоқ фуқаролар йиғини чегараларида (135,4).

127-Қамаши сайлов округи

(Маркази — Қамаши тумани, 6-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси).

Қамаши тумани: Қамаши шаҳри, "Бадахшон", "Баландчайла", "Қоратеп", "Кизилтепа", "Қорабоғ", "Тўқбой", "Чим", "Қамай", "Лойқасой", "Кўкбулоқ", "Бобуртепа", "Чуқурқишлоқ", "Каттаўра", "Ўрта дара", "Қизилқишлоқ", "Чангак", "Қўшқапа", "Ғиштли", "Қовчин", "Майда", "Пахтаобод", "Азлартепа", "Элобод", "Қишлиқ", "Гулшан", "Узун", "Бойбўри", "Бердоли", "Жонбўзсой", "Жонбўз", "Меҳр", "Оқғузлар", "Олмазор", "Довуд", "Одоқжонбоз", "Савсантепа", "Бунёдкор", "Юксалиш", "Қорақўтон", "Куйи янги", "Истиқбол", "Богобод", "Кўнгирут", "Саркаш" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (134,1).

128-Нишон сайлов округи

(Маркази — Нишон тумани, Нишон транспорт-сервис касб-ҳунар коллежи биноси).

Нишон тумани ҳудуди чегараларида:

Қарши тумани: "Қоратеп", "Мустақиллик", "Файзобод", "Сарой", "Мангит", "Дашт", "Истиқлол", "Жумабозор", "Хонён", "Батош", "Кат", "Тахтапұл", "Пахтазор", "Қовчин", "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида ҳамда "Чарағил" ва "Ўлибўстон" қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегараларида (137,0).

129-Косон сайлов округи

(Маркази — Косон тумани молия бўлими биноси).

Косон тумани: "Нартибаланд", "Нартичқур", "Месит", "Арабхона", "Машъал", "Сарикул", "Аралик", "Навбахор", "Лозалор", "Пахтазор", "Истиқбол", "Дўстлик", "Янгиобод", "Муғжағул", "Работ", "Жиззалик", "Регзор", "Куйи Оброн", "Ўрта Оброн", "Юқори Оброн", "Бойғунди", "Пудина", "Мудин", "Ниҳол", "Қорабайир", "Кўнгирут", "Некуз", "Гулобод", "Замин", "Ушоқтепа", "Наврўз", "Тошқўприк", "Истиқлол", "Бешқўтон", "Бунёдкор", "Нурафшон", "Мустақиллик", "Фаровон", "Пистали", "Гулистон", "Юксалиш", "Этак", "Айрончи", "Қозоқли", "Дарча", "Раҳимсуфи", "Алачабоғ", "Уйрот", "Яккасарой", "Хўжақудуқ", "Бойтерак", "Шербек", "Гала" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (138,0).

130-Қасби сайлов округи

(Маркази — Қасби тумани, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қасби тумани бўлими биноси).

Қасби тумани ҳудуди чегараларида:

Косон тумани: "Эсабой", "Халима", "Обод", "Чорбоғ", "Боғишамол", "Куйбоғ", "Косон", "Халқобод", "Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (136,1).

131-Китоб сайлов округи

(Маркази — Китоб тумани, "Умид" маданият саройи биноси).

Китоб тумани: "Алақуйлик", "Али Кушчи", "Анорзор", "Баҳор", "Башир", "Бектемир", "Бешқазоқ", "Бештерак", "Бирлик", "Богобон", "Боғи-баланд", "Бўстон", "Варганза", "Гулистон", "Денов", "Жилсув", "Зарафшон", "Искана", "Истиқбол", "Йўлдош шаҳарча", "Қайнар", "Катлос", "Қорабулоқ", "Куҳсор", "Кўшдарё", "Мустақиллик", "Нурафшон", "Обод", "Оқ сув", "Паландара", "Панжи", "Парчакент", "Пахтаобод", "Санам", "Сариосиё", "Сарой", "Севаз", "Соҳибкор", "Сурум", "Тағоб", "Тошкент", "Тупчок", "Тевабоши", "Улуғбек", "Халқлар дўстиги", "Ҳамид Олимжон", "Ҳоғиз", "Хўжаликчи", "Чармгар", "Шарқ юлдузи", "Шўрбосой", "Яккатут", "Янги замон", "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (141,6).

132-Чироқчи сайлов округи

(Маркази — Чироқчи тумани, Чироқчи транспорт касб-ҳунар коллежи биноси).

Чироқчи тумани: Чироқчи шаҳри, "Олмазор", "Чилживут", "Дам", "Янгидам", "Пақанди", "Барака", "Зарбдор", "Мустақиллик", "Истиқлол", "Пахтаобод", "Янгиқишлоқ", "Чимқўрғон", "Қирғиз", "Додик", "Шакарбулоқ", "Наврўз", "Жар", "Кизилчовра", "Дўстлик дёри", "Амир Темур", "Хумо", "Обод", "Кўктош", "Хушали", "Янгиқурилиш" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Шахрисабз тумани: "Халқобод", "Духчи", "Пахтакор", "Қиём-шайх", "Чорбоғ", "Сарой", "Танхоз", "Қумқишлоқ", "Ўртақўрғон",

"Навбахор", "Шаматон", "Лолистон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Китоб тумани: "Навбахор", "Оёқчи", "Зарафшон", "Макрид" ва "Қашқадарё" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида; **Яккабоғ тумани:** "Толлибулоқ", "Узун", "Ҳозир", "Чайдори", "Жийда", "Обод", "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (134,1).

133-Шахрисабз сайлов округи

(Маркази — Шахрисабз шаҳри, 20-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси).

Шахрисабз шаҳри ҳудуди чегараларида:

Шахрисабз тумани: "Хўжақурорсон", "Нурафшон", "Оқдарё", "Работ", "Хонтепа", "Мевазор", "Авазмалик", "Шакартери", "Кўрғонтепа", "Янгиобод", "Кўшчинор", "Чукун", "Мактобод", "Олмазор", "Янгибоғ", "Янги қишлоқ", "Хожимайдон", "Боғишамол", "Абзият", "Шанбе", "Бигми", "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (142,2).

134-Яккабоғ сайлов округи

(Маркази — Яккабоғ тумани, Яккабоғ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси).

Яккабоғ тумани: Яккабоғ шаҳри, "Алақуйлик", "Қайрағоч", "Қатағон", "Каттабоғ", "Маданият", "Мевазор", "Турон", "Кўшчинор", "Қишлиқ", "Самоқ", "Сандал", "Ўрта", "Хиёбон", "Эски Яккабоғ", "Эсат", "Янги ҳаёт", "Нури йўл", "Пахтакор", "Тўқбой", "Совуқбулоқ", "Истиқлол", "Фаровонлик", "Учтепа", "Истиқбол", "Уйғур", "Хонака", "Дарё", "Бешўғил", "Наврўз", "Уланжи", "Кўштегирмон", "Гулистон", "Дархон", "Ибн Сино", "Мустақиллик", "Шар-шарбоғот", "Широзий", "Яшнобод", "Чинобод", "Татар", "Кенгузар", "Ишкент", "Серб", "Қоратут" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (142,8).

135-Ғузор сайлов округи

(Маркази — Ғузор тумани, Ғузор нефть-газ саноати касб-ҳунар коллежи биноси).

Ғузор тумани ҳудуди чегараларида:

Қамаши тумани: "Сарбозор", "Чим", "Қўшқапа", "Работ", "Каптархона", "Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (140,4).

136-Деҳқонобод сайлов округи

(Маркази — Деҳқонобод тумани, Деҳқонобод тиббиёт коллежи биноси).

Деҳқонобод тумани ҳудуди чегараларида:

Шахрисабз тумани: "Хитой", "Ҳисор", "Тошбулоқ", "Мираки", "Ҳисорак", "Қўл", "Сайёб", "Ғилон", "Сарчашма", "Амир Темур", "Улоқ", "Полмон", "Ширамон", "Қутчи", "Обод", "Хазара", "Аччиғи", "Тудамайдон", "Оқ олтин", "Тепар", "Чоршанбе", "Темирчи", "Кўшханот" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (141,5).

137-Муборак сайлов округи

(Маркази — Муборак тумани, Муборак ахборот-технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси).

Муборак тумани ҳудуди чегараларида:

Миришкор тумани ҳудуди чегараларида:
Косон тумани: "Сурхон", "Ширинтепа", "Тинчлик", "Майдаёбу", "Мўлали Чироқчи" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (132,3).

138-Кўкдала сайлов округи

(Маркази — Чироқчи тумани, 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси).

Чироқчи тумани: "Уйшун", "Гулобод", "Яшнобод", "Оқ тош", "Нуробод", "Бешбулоқ", "Оқ олтин", "Ғаллачи", "Қалқам", "Кўрғонтепа", "Чамбил", "Галабек", "Мирзатуп", "Қўшанжор", "Араббанди", "Торжилга", "Гулистон", "Шўрқудуқ", "Наймансарой", "Умакай", "Чиял", "Ғаллакор", "Уймовут", "Тўқмор", "Қумдарё", "Чувуллоқ", "Аннарўз", "Зум", "Сувлик", "Кўкдала", "Ўтамайли", "Сойбўйи", "Олтин дала", "Олтин бошқ", "Хўжаобод", "Бегламыш", "Бахт", "Шўрбозор", "Хушали", "Талоқтепа", "Хардури", "Эскианжор", "Пахталисой", "Айритом", "Чорвадор", "Қанотли", "Қадромон", "Соҳил", "Бўрнорзу", "Дурсун", "Лангар", "Қуруқсой", "Тарағай", "Чоршанба" ва "Тошли" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (141,2).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

139-Оқтепа сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биноси).

Учтепа тумани: "Дегрез", "Боғичинор", "Қорёғди", "Бекобод", "Истироҳат", "Ўткир", "Жарбулоқ", "Зулфизар", "Ибрат", "Шарқ юлдузи", "Нишавариқ", "Қўрқамобод", "Хондамир", "Хуршид", "Бешқайрағоч", "Журжоний", "А.Қодирий", "Шофайзобиғи", "Шарқ гули", "Давлатобод", "Чаманзор", "Хожимобод", "Оқмачит", "Куйи Дархон", "Латифғузлар", "Учтепа", "Кўкча Оқтепа", "Пахтакор", "Чўпон ота", "Тақачи", "Ю.Саққокий", "Ўрикзор",

"Зарафшон", "Кўқсарой", "Катта Қаъни", "Фозилтепа", "Хайратий", "Шафтолизор", "Кўҳна Чўпон ота", "Боғистон", "Богобод", "Бирлик", "Найман", "Тинчлиқобод", "Фарҳод", "Ватан", "Ватанпарвар", "Нуробод" маҳалла фуқаролари йиғинлари чегараларида (128,1).

140-Дархон сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти биноси).

Мирзо Улуғбек тумани: "Турон", "Олтинтепа", "Олмачи", "Авайхон", "Катта Олтинтепа", "Янги Авайхон", "Подшобоғ", "Минглола", "Элобод", "Катта Қорасув", "А.Навойи", "Гулсанам", "Алпомиш", "Ш.Бурхоннов", "Чимён", "Султония", "Шўртепа", "Нодирабегим", "Баҳор", "Боғимайдон", "Яланғоч", "Бешқапа", "Хумоюн", "Ал Форобий", "А.Югнакий", "Аҳиллик", "Тракторсозлар", "Уйғониш", "Юзобод", "Азамат", "Минаварқори", "Феруза", "Камолот", "Шалола", "Катта Яланғоч ота", "Улуғбек" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (126,6).

141-Темирйўлчилар сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси).

Миробод тумани: "Ш.Рашидов", "Афросиёб", "Ойбек", "Мовароуннахр", "Салар", "Минг ўрик", "Ат Термизий", "Лозалор", "Фаровон", "А.Авлоний", "Миробод", "Янги Миробод", "Байналмидал", "Темирйўлчилар", "Заминобод", "Биродарлик", "Наврўз", "Истиқлолбод", "Янги замон", "А.Фитрат", "Фурқат", "Тонг юлдузи", "Сарикўл", "Олтинқўл", "Қорасув", "Файзобод", "Чинор", "Толарик", "Зиёнон", "Юксалиш", "Билимдон", "Парвона", "Оқ уй", "Янги Қўйлик", "Банокатий", "Баёт", "Баратхўжа", "Қўйлик ота" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Бектемир тумани: "Мажнунтол", "Миришкор", "Роҳат", "Зилола", "Иқбол", "Чашма", "Ҳ.Бойқаро", "Абай", "Бектемир", "Олтинтолған", "Нурафшон", "Бинокор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Яшнобод тумани: "Катта Қўйлик", "Мумтоз", "Қўйлиқобод", "Ўйсозлар", "Ўрта масжид", "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,1).

142-Қорақаман сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Турин политехника университети биноси).

Олмазор тумани: "Шифокорлар", "Жийдали", "Хислат", "Оқтепа", "Беруний", "Мирзо Ғолиб", "Зиё", "Университет", "Шодиёна", "Олимпия", "Ёшлик", "Мустақиллик", "Чаманбоғ", "Шон-шухрат", "Тепазулар", "Табассум", "Юқори Бешқўрғон", "Ниҳол", "Ғалаба", "Мойриқ", "Аҳил", "Умид", "Янги Тошкент", "Гулзор", "Иброҳим ота", "Чуқурсой", "Гулсарой", "Истиқбол", "Пахта", "Бўстобод", "Қичқирик", "Ғ.Аъзамов", "Олтинсой", "Ислом ота", "Тараққиёт", "Мискин", "Орзу", "Чимбой" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (127,8).

143-Саноат сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Тошкент стоматология институти биноси).

Яшнобод тумани: "Баркамол", "Яшнобод", "Бирлашган", "Парвоз", "Дилбо", "Наврўзобод", "Авиасозлар", "Асалобод", "Илтифот", "Бунёдкор", "Янги давр", "Жарқўрғон", "Янгиқўрғон", "Бехизор", "Шоҳимардон", "Нодира", "Шоҳсанам", "Ойдинқўл", "Янгинон", "Донишманд", "Тарнов", "Катта Янгиобод", "Хосиятли", "Махмур", "Алимкент", "Жўрабек", "Беш бола", "Аҳмад Яссавий", "Бойсун", "Мухтор Ашрафий", "Кўқсарой", "Маърифат", "Ширинобод", "Тўй тепа", "Семур", "Чўлпон", "Фидойилар", "Бойқўрғон", "Машинасозлар", "Истиқлол", "Дўстобод", "Ал Бухорий", "Амир Темур", "Ватандош", "Тонг Моҳинур", "Тузель", "Гўзал", "Олмос", "Ҳазрат", "Бешариқ", "Ўқчи Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (133,6).

144-Дўмбиробод сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Нозимий номидаги Тошкент давлат педагогика университети биноси).

Чилонзор тумани: "Чўпон ота", "Қатортол", "Кўтарма", "Навбахор", "Шухрат", "Хирмонтепа", "Катта Хирмонтепа", "Хайробо", "Хонтўпи", "Шарқ тонги", "Шарқ", "Шароф", "Баҳористон", "Гулистон", "Ал Хоразмий", "Бек тўпи", "Бешқўрғон", "Тирсақобод", "Гавҳар", "Дўмбиробод", "Катта Дўмбиробод", "Яккабоғ", "Нақшошлик", "Мевазор", "Бўрижар", "Яккатут", "2-Қатортол", "Кичик Хирмонтепа", "Ботирма", "Меҳрижон", "Фидокор", "Зарқўрғон", "Катта Қозиробод" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Учтепа тумани: "Қозигузлар", "Гузлар-9а", "Кўрғонтепа", "Тепакўрғон", "Хуросон", "Заргарлик", "Ҳамдўст", "Ширин", "А.Соғуний", "Дийдор", "Янги йўл", "Диробод" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (127,1).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI DEPUTATLARI SAILOVINI UTQAZUVCHI SAILOV OKRUGLARINI TUZISH TUGRISIDA

«« Давоми. Бошланиши 12, 13-саҳифада

145-Бодомзор сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Муҳаммад Ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей биноси).

Юнусобод тумани: "Акбаробод", "Беғубор", "Боғибўстон", "Бодомзор", "Бўзсув", "Буюк Турон", "Қадрдон", "Қашқар", "Меҳнатобод", "Мирзо Улугбек", "Обод", "Оқтепа", "Отчопар-1", "Отчопар-2", "Посира", "Фирдавсий", "Хиёбонтёпа", "Шайх Шивилӣ", "Юнусобод", "Минор", "Янгитарнов", "Матонат" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Мирзо Улугбек тумани: "Оқибат", "Шаҳрисабз", "Нур", "Мустақиллик", "Асака", "Лашкарбеги", "Мирзакалон Исмоилӣ", "Ҳ.Олимжон", "Дархон", "Оққўрғон", "Буюк Ипак йўли", "Сайрам", "Бўз", "Олий Ҳиммат", "Олимлар", "Навниҳол", "Шаҳриобод", "Х.Абдуллаев" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (125,0).

146-Астрообод сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Тошкент архитектура ва куралиш институти биноси).

Юнусобод тумани: "Адолат", "Анорзор", "Астрообод", "Аҳмад Дониш", "Аҳиллобод", "Биллур", "Бободехқон", "Боғишамол", "Боғи Эрам", "Ғайратий", "Жомий", "Исломобод", "Йўларик", "Ифтихор", "Катта Ҳасанбой", "Кулолқўрғон", "Кўшчинон", "Мингчинон", "Муруват", "Нурмакон", "Собириобод", "Тикланиш", "Туркистон", "Туркқўрғон", "Увайсий", "Ўзбекистон Мустақиллиги", "Уста Ширин", "Уч Қахрамон", "Халқабоб", "Хусниобод", "Ҳамкоробод", "Ҳасанбой", "Севинч", "Шарқ ҳақиқати", "Шахристон", "Шоштепа", "Юнусота", "Юртобод", "Янги ариқ", "Янги ҳаёт", "Янгибоб" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (125,1).

147-Тўқимачи сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети биноси).

Яккасарой тумани: "Ракат", "Ю.Ражабий", "Дилбулак", "Яккасарой", "Беларик", "Кушбеги", "Бобур", "Дам ариқ", "Ракатбоши", "Тўқимачи", "Муқимий", "Мерос", "Бошлиқ", "Армуғон", "Конституция", "Боғсарой", "Ҳ.Сулаймонов", "А.Қаҳқор", "Шоҳжаҳон", "Тёпа", "Муҳандислар" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Чилонзор тумани: "Катта Олмazor", "Бешёғоч", "1-Чарх Камолон", "2-Чарх Камолон", "3-Чарх Камолон", "Чилонзор", "1-Катта Чилонзор", "2-Катта Чилонзор", "3-Катта Чилонзор", "Халқлар дўстлиги", "Дилобод", "Бешчинон", "Оқтепа", "Лутфий", "Бозор", "Нафосат", "1-Қатортол", "Новза" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (126,4).

148-Кўкча сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси).

Шайхонтоҳур тумани: "Белтепа", "Янги Белтепа", "Ибн Сино", "Катта Жарариқ", "Янги Жарариқ", "Шодлик", "Бўстон", "Эски Жарариқ", "Ипакчи", "Ўзбекистон", "Хувайдо", "Зафаробод", "Илғор", "Жарариқ", "Кўкча", "Тинчлик", "Обиназир", "Янгишаҳар", "Маннон Уйгур", "Шофазий", "Каттаҳовуз", "Чарх Новза", "Самарқанд дарвоза", "Янгиобод", "Камолон дарвоза", "Зангиота", "Эшонгузар", "Каттабоб", "Камолон", "Янги Камолон", "Кўкча дарвоза", "Катта Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (128,7).

149-Қўйлиқ сайлов округи

(Маркази — Сергели тумани, 21-сонли болалар мусика ва санъат мактаби биноси).

Сергели тумани: "Ўзғариш", "Ҳабибий", "Меҳригиё", "Бунёдобод", "Мададкор", "Зийнат", "Эзгулик", "Янги Сергели", "Соҳибқирон", "Кубайтепа", "Ноғайқўрғон", "Жўнариқ", "Чоштепа", "Софдил", "Олчазор", "Навқирон", "Нилуфар", "Иттифоқ", "Нурҳаёт", "Саховат", "Сўғдиёна", "Қипчоқ", "Ал Фарғоний", "Викор", "Йўлдош", "Ёрқин ҳаёт", "Чорбоғ", "Чарогон", "Дўстлик", "Дарё буйи", "Хонобод", "Курувчилар", "Шукрона", "Халқобод", "Зиёкор", "Маданият", "Учувчилар", "Олтин водий", "Қумариқ", "Асробод", "Кўшқўрғон", "Ташаббус", "Янги умид", "Хумо", "Янги Чоштепа", "Паст Дархон", "Юқори Дархон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,2).

150-Шайхонтоҳур сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи биноси).

Шайхонтоҳур тумани: "Боғкўча", "Гулобод", "Сархумдон", "Оқилон", "Олим Хўжаев", "Чақар", "Сузокота", "Чорсу", "Қоратош", "Гулбозор", "Олмazor", "Ўрда", "Ўқчи", "Хадра", "Жангтоҳ", "Кохота", "Лабзак", "Тахтагул", "Шайхонтоҳур" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Олмazor тумани: "Чилтўғон", "Хончорбоғ", "Қорасарой", "Туручариқ", "Ҳазрати Имом", "Юқори Себзор", "Намуна", "Янги Себзор", "Себзор", "Хастимом", "А.Шоший", "Ҳ.Кўҳажий", "Эски шаҳар", "Кўшлуг", "Гузробиши", "Ачаобод", "Аллон", "Кўёш", "Ч.Дарвоза", "Чустий" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (126,8).

2. Мазкур қарор Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида, шунингдек, маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси
М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 октябрь

ЎЗ-ЎЗИНИ

ёхуд ижодкор ва тадбиркорлар нима учун
"Миллий тикланиш"ни танлапти?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан илгари сурилаётган ғоя ва белгиланган вазифалар сайловчилар ҳамда электрорат манфаатига қай даражада жавоб беради? Партия жамиятдаги қандай масалаларни устувор деб билади? Кўтарилган масалаларга ечим топшида сиёсий партиянинг кучи ва имконияти етадими? ЎзМТДП ҳақиқий маънода халқ партиясига айлана оладими?

Шу йилнинг 25 сентябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг XVIII Пленумида ана шундай масалалар кўтарилди ва уларга жавоб изланди.

Пленумда 20 сентябрдан бошланган сайлов кампаниясини юқори савияда ташкил қилиш, 2019 йил 22 декабрда ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатлар сайловида муносиб қатнашиш ва партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилинди.

— Бўлажак сайловнинг **"Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!"** деб номланиши замирида чуқур маъно бор, — деди Пленумда сўзга чиққан партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Чунки янгиланаётган Ўзбекистон халқи катта ўзгаришлар даврида яшайпти ва буни кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кўриб, ҳис қиляпмиз.

Барча соҳада бўлгани каби сиёсий ҳаётимизда ҳам шиддатли ўзгаришлар даври бошланди. Одамларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб борапти. Қонунлар, қарорлар ва давлат дастурларига тақлифлар билдиришдаги иштироки ошайтир. Уларнинг қабул қилинишида фаол қатнашилмоқда. Парламент,

ҳукумат ва депутатлар олдида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни очиқ-ошкора кўндаланг қўйиб, ечимини талаб қилишни ўрганди. **"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак"** тамойилига ҳаётда амал қилинапти. Энди одамларни қуруқ, баландпарвоз вадаларга ишонтириб бўлмайди. Бундай шарт-шароитда сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар эскича талаблар асосида ишлашга ҳаққи борми?! Албатта, йўқ!

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда "Депутатлар ишламаяпти, ҳатто танимаймиз ҳам" қабилидаги гап-сўзлар кўпайгани ҳам улар фаолиятдан қониқиш ҳосил қилилмаётганидан далolat беради. Афсуски, орамизда мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотларни шунчаки томошабин бўлиб четдан кузатиб турганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун биз аввало фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилишимиз, оғриқли нуқталарни топишимиз, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим. Яъни, ҳар биримиз **ИСЛОХОТЛАРНИ АВВАЛО ЎЗИМИЗ-ДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАК!**

"Миллий тикланиш"нинг энг асосий ғояси, аввало, жамиятда миллий онг, миллий тафаккурни юксалтириш. Одамларни "ИНСОННИ ЎЗГАРТИРМАСДАН, ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРИБ БЎЛМАЙДИ" деган умуммиллий ғоя атрофида бирлаштириб, "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ" дадил қадам ташлашга руҳлантиришдир.

Миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат туйғусини ошириш, ҳар томонлама



Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти:

— Дарҳақиқат, Пленумда таъкидланганидек, ёшлар таълим-тарбиясини мустаҳкамлаш, маънавиятини кўтариш халқ маданиятини белгиловчи миллий ва умумбашарий қадриятларни сақлаш ҳамда бойитиш билан чамбарчас боғлиқ. Миллий маданият ва санъатимизни равнақ топтириш борасидаги эзгу савий-ҳаракатлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ҳаёт тарзимиз, менталитетимизга зид ва зарарли ғоялардан ҳимоялаш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилиши зарур.

Маданият вазирлиги бу борада миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маданият ва маънавий қадриятлар, бой тарихий мерос, халқимизнинг ўлмас аънаналарини асраб-авайлашни бош ғоя сифатида билган "Миллий тикланиш" партияси билан ҳамкорликда ишлашдан манфаатдор. Янада соддароқ қилиб айтганда, юртимизда кечаётган ислохотлар мазмун-моҳиятидан халқимиз, айниқса, ёшларни тўлақонли хабардор қилиш, уларни миллий истиқлол ғояси, Ватанга, халқимизга садоқат руҳида тарбиялаш каби масалаларда яқдил фикр ва қарашга эгамиз. Томонлар юксалиш ва инсонпарварлик йўлидаги бундай эзгу мақсад ва вазифаларни бирлаштирса, амалга ошираётган ҳаракатларимиз албатта кутилган натижани беради.

ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ



комил инсон шахсини тарбиялашда бебаҳо неъмат ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш эса тарихни ўрганишдан бошланади. Инсон ўтмишини билмай туриб ўзлигини топа олмайди. Миллий давлатчилик тарихи, маънавий тараққиётини билмаган халқ миллий тикланишга қодир эмас. Фақат маънавий кадриятлар орқалигина барча соҳада олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли уддалай оламиз ва партия бугун бу борада ўзининг аниқ стратегиясига эга. Шу боис, ЎЗМТДП ўз фаолиятида маънавиятга бўлган эътиборни янада кучайтиради. Хусусан, тилимизнинг давлат тили мақоми янада мустаҳкамлаш, ёшлар ахлоқ-одоби, таълим-тарбияси, диний таълимотга алоҳида эътибор қаратади. Янги авлодни тарбиялаш бўйича концептуал дастурлар яратиш каби масалаларни устувор ҳисоблайди. Зеро, **ЮКСАК МАЪНАВИЯТГА ТАРБИЯ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ.**

Партия Марказий кенгаши раиси ўз чиқишида ёшлар тарбиясига аслида ким

кўпроқ масъул бўлиши ҳақида гапириб, партия бу борада ҳам аниқ позицияга эга эканини маълум қилди.

— ЎЗМТДП бугунги кунда жамиятимиз, ҳар биримиз учун энг оғриқли бўлган масала — тарбияни асосий вазифалардан бир сифатида билади. — деди партия етакчиси А.Қодиров. — Чунки инсон ҳаёти одоб-ахлоқ, таълим-тарбия билан бевосита боғлиқ ва барча замонда бу масалага жиддий эътибор қаратиб келинган. Фарзанд тарбиясига аввало оила, ота-она масъул. Мактабгача таълим муассасаларида таълим эмас, тарбия устувор бўлиши зарур. Чунки **БОЛАГА ТАРБИЯСИЗ ТАЪЛИМ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ.** Сўнгра бу вазифа мактабда мунтазам ва тизимли равишда давом эттирилиб, олий таълимда эса ёшларга фақат танлаган мутахассислиги бўйича билим берилиши лозим.

Шу пайтгача булар ҳақида фақат гапириб келдик. Аниқ тизим ва таклиф йўқ эди! Биз бугун ана шундай вазифалар устида ишлашимиз, уларни амалга оширишимиз керак.

— Партиялар жамиятимизда юз бе-

раётган ҳар қандай сиёсий жараёнга масъулдир, — деди ЎЗМТДП Марказий кенгаши раисининг мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Алишер Ҳамроев партия Дастури, сайловолди Платформаси лойиҳаси юзасидан сўзга чиқиб. — Шу боис, партиямиз **“Янги Ўзбекистон — янги сайловлар”** ғояси остида ўтказилаётган сайловга ҳақиқий маънода янгиланаётган Дастур ва сайловолди Платформаси билан кириб келмоқда.

Сайловолди Платформани ишлаб чиқишда, **биринчидан**, партиянинг етакчи дастурий мақсад ва ғоялари, ижтимоий қатлами, электорат манфаатларини акс эттириш асосий вазифа сифатида белгилади. Барча йўналишдаги вазифаларга миллий кадрият ва аъёналар, манфаатлардан келиб чиқиб ёндашилди. **Иккинчидан**, 2014 йилда тасдиқланган Платформа яна бир бор чуқур таҳлил қилинди ва долзарблигини йўқотмаган масалалар янгисидан акс эттирилди. **Учинчидан**, ҳар бир соҳада партиянинг асосий ғоя ва тамойиллари руҳи ўз ифодасини топишига ҳаракат қилинди.

Тўртинчидан, партия учун энг муҳим соҳа — маънавият йўналишига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг **“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”** ғояси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар асосида ёндашилди. Бунда халқ ижодиётининг ноёб намуналари, миллий ўйинлар, “устоз — шогирд” аъёналарини йўлга қўйиш, бу борада аниқ молиявий манбаларни белгилаш чораларини кўриш, халққис, айниқса, ёшлар орасида мутлаа маданиятини ривожлантириш, чекка қишлоқларда кутубхоналар ташкил қилиш, илм-фан, маданият ва таълимни муносиб молиялаштириш, соҳа вакиллари рағбатлантириш, театр, кино, мусиқа санъатида миллий кадриятларни кенг тарғиб этиш каби масалалар партия учун асосий вазифа сифатида белгиланди.

Бешинчидан, иқтисодиёт соҳасига

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия ҳудудлар иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш қамровини кенгайтириш, улар ўртасидаги тафовутни қисқартириш тарафдори.

Олтинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасида партия аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш зарур, деб билади. Қонунчиликда жазони белгилашда партиянинг оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар кўзда тутилган. Аммо ушбу меъёрларни қўллаш фақат қонун нормаларига боғлиқ бўлиши, бунда инсон омилини имкон қадар камайтириш тарафдори.

Партия ижтимоий соҳада бир қатор янги таклиф ва ташаббусларни илгари суриш орқали, таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратади. Таълим — бу инсоннинг ривожланишига бўлган ҳуқуқларининг асосини ташкил қилади. Ҳар қандай тараққиётнинг омили чуқур ва мукаммал билим олишдир. Шу боис, **“БИЛИМЛИ АВЛОД — БУОК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ — ФАВОХОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР”** ғоясини амалга оширишни илгари суради.

Пленумда Марказий кенгаши раиси ўринбосарлари Нодир Мухторов ва Миродил Абдурахмонов кун тартибига киритилган масалалар — партия ташкилотларининг навбатдаги конференцияларини ўтказиш, Марказий кенгаши ва Ижроия кўмита аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш, партиянинг VI Съездини қақриш ҳамда **“Миллий тикланиш”** газетаси фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича сўзга чиқди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Партия сафига кўшилган янги аъзоларга гувоҳнома ва кўкрак нишонлари топширилди.



Шуҳрат РИЗАЕВ, “Ўзбекино” Миллий агентлиги раисининг биринчи ўринбосари, адабиётшунос олим:

— Бугун чек-чегарасиз ахборот маконида яшяялгимиз ва ундан кимдир эзгу мақсадда, кимдир ғараз ниятида фойдаланади. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, маънавияти тўлиқ шаклланмаган ёшларнинг “оммавий маданият” тузоғига тушиб қолиш ҳолатлари афсуски ҳамоно давом этяпти. Демак, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, унинг оқибатини теран тушунириш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим. Бунда адабиёт, санъат, мусиқа ва маданий бойликларимиз

ёрдам беради. Вайронкор тарғиботларга қарши ўзимизнинг ғоявий, мафкуравий, теран бадий асарларимиз билан жавоб беришимиз лозим. Ўғил-қизларимизда ижодкорлик салоҳиятини кучайтирсак, уларни ёт таъсирлардан ҳимояланишга ўргатсак, санъатни, китоб мутлаасини севишга ундасак, ўзлгимизни, миллий аъёналаримизни қадрласак, бизга “ўргимчак тўри” даги бузғунчи ғоялар асло таъсир кўрсатолмайди.

Адабиёт ва маданиятга алоқадор шахс сифатида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бу борадаги ҳар қандай саъй-ҳаракатини қўллаيمان. Чунки адабиёт ва санъат, маданият, қолаверса, кино санъати билан боғлиқ муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур ва бунда партиянинг, ундан сайланган депутатларнинг хизмати муҳим аҳамиятга эга.

Зафар ҲОШИМОВ, тадбиркор, “Korzinka.uz” тармоғи асосчиси ва раҳбари:

— ЎЗМТДПнинг иқтисодий соҳадаги вазифалари билан танишдим, жумладан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралашувга қатъий чек қўйиш каби мақсадларини ўқиб, кўнглимда “Миллий тикланиш”га нисбатан илиқлик пайдо бўлди. Балки бунга халқнинг ўлмас кадриятлари, миллий аъёналарига бўлган ҳурматим чексизлиги сабаб бўлгандир. Чунки инсон қаерда яшамасин, фаолият кўрсатмасин ҳеч қачон ота-боболаридан мерос қолган урф-одатларини, аъёналарини унутмаслиги ва ақлсизча улардан ғурурланиши зарур. Айниқса, ўзбек халқининг бунга ҳаққи бор.

Томиримизда дунё тан олган, илм-фан тараққиётига тамал тошини қўйган буюк аждодларимиз ҳони оқяпти. Биз маънавияти, маърифати, илмий салоҳияти билан бошқа халқларга ўрناк бўлган халқнинг фарзандларимиз. Афсуски, бугун биз аждодларимиз қолдириб кетган маънавий, маданий бойликлар билан ғурурланышимиз, холос. Партиянинг бўшлиқни тўлдириш борасидаги таклифлари, мақсад-вазифалари менга жуда маъқул келди. Шунинг учун ҳам “Миллий тикланиш”ни танладим.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ХАМКОРЛИК КЕНГАШИГА ҚЎШИЛГАНИ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳар мамлакатнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва тарихи мавжуд. Буларсиз яхлит бир давлат ҳам, миллат ҳам бўлмаслиги кундек равшан. Тарихдан маълумки, тили, эътиқоди, турмуш тарзи яқин халқлар бир-бирига доим интилиб келган. Зеро, "Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас" деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Улар бир-бирини қўллаб-қувватлаган, ҳамхўрлик қилган, керак бўлса, бир-бирига суяк ва паноҳ бўлган элатлар дунё тамаддунда ўзларига хос ва мос ўринларни нисбатан тезроқ эгаллашган.

Бунга мисоллар жуда кўп. Бу ҳақда гап кетганда, туркий тилли давлатлар кўз олдимизга келади. Негаки, улар ўртасида алоқаларни янада жадаллаштириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, айниқса, охириги икки-уч йилда яққол кўзга ташланади.

Тарихга назар солидиган бўлсак, 2009 йилнинг 3 октябрида Нахичеван шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгашини тузиш тўғрисидаги Битимни имзолаган эди. Бу ҳужжатнинг

самараси ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Битим ўз моҳиятига кўра, Туркий кенгаш халқаро ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланиши билан бир қаторда, унинг мақсад ва вазифалари туркий тилли мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничиликни мустаҳкамлаш, минтақада, умуман, дунёда тинчликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз томонидан шу йил 14 сентябрда "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди. Ўзбекистон ҳам мазкур Кенгашга қўшилди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши унга аъзо давлатларнинг мулоқоти ва ҳамкорлигини илгари суриш мақсадида тузилган йирик минтақавий бирлашма ҳисобланади. Эътиборлиси, ушбу ташкилотнинг шаклланишига қадар Ўзбекистон туркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш ва янада ривожлантиришда фаол иштирокчи ва ташаббускорлардан бири бўлган.

Аввало, мазкур Битим Ўзбекистоннинг туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ишончга асосланган ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, ушбу мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик алоқаларини

изчил давом эттириш, ташқи сиёсатни демократлаштириш ҳам кўзда тутилгани диққатга сазовор, албатта.

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашида иштироки ушбу ташкилотнинг аъзо давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот, табиати муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, кредит-молия ва ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришига кўмак кўрсатади. Хусусан, туркий халқларнинг умумий ва тарихий меросини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш борасида ҳам янги имкониятлар очилади.

Мазкур тузилмага аъзо бўлиш Ўзбекистонга савдо ва инвестициялар учун қулай шартлар яратиш, товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини босқичма-босқич амалга ошириш имконини ҳам беради. Шу ўринда айтиш жоизки, туркий давлатлардан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими ҳам тобора ортиб боришига замин яратилади.

Шу билан бир қаторда, бундай кўп томонлама ҳамкорлик Туркий кенгаш доирасида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ҳурмат, ўз-ўзига ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган Ўзбекистоннинг ҳозирги очик, конструктив

ва амалий ташқи сиёсатини илгари суришда кўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда кейинги йилларда республикаимизнинг аксарият халқаро ва минтақавий ташкилотларда ўз фаолиятини жадаллаштириши ҳамда бунинг натижасида мазкур тузилмаларнинг жонлишини, самардорлиги ошиши, нуфузининг ортиши айнан халқимиз саъй-ҳаракатлари эъзига эришилаётгани жаҳон ҳамжамияти, сиёсий доиралар ва давлат арбоблари томонидан яқдиллик билан эътироф этилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилгани бу борада давлатимиз раҳбари томонидан изчил ва амалий олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг мантиқий давоми, десак, тўғри бўлади. Зеро, тили, дини, қадриятлари бир ёки ўхшаш мамлакатларнинг яқин ҳамкорлиги дунё тараққиёти, инсоният манфаатларига, туркий халқларнинг умумий тарихий ва маданий меросини асрашга, шунингдек, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

Иқболжон МИРЗААЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ПРОТОТИПЛАРИ КИМЛАР БЎЛГАН?

Ўзбек романчилиги асосчиси, миллий адабиётимизда ўз ўрнига эга бўлган Абдулла Қодирий асарларини мана, қарийб 100 йил ўтса-да, китобхонлар кўлидан туширмай, қалбларига яқин тутиб мутулаа қилмоқда. Бундан сезиладики, Қодирийнинг бадиий асардаги латифли сўзи ўқувчинини ўзига жалб қилмоқда. У асарни қай ҳолатда ёзарди, унга кимлар илҳом берган? Роман, қисса ва ҳикояларидаги қаҳрамонлар прототиpleri ҳақидаги мулоҳазалар эса турлича.

Тошкент давлат техника университети профессори Азмидин САДРИДДИНОВ Абдулла Қодирий асари қаҳрамонлари прототиpleri, ота-боболарининг адиб билан учрашув хотираларини ҳақида ўза мухбирига сўзлаб берди:

— Ҳабибулло Қодирийнинг "Отам ҳақида" китобида менинг катта отам (бобом) Саид Камолхон домла ва отам Садриддинхон устазодалар тилга олинган. Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасига қадар бобом Петербургда нуфузли олийгоҳлардан

бирида ўқитувчилик қилган. Унгача Ҳадрадаги рус-тузем мактабда 1896-1912 йиллар ўзбек ва форс тилларини ҳам дарс берган. Абдулла Қодирий ҳам айнан ўша мактабда ўқигани тахмин қилинади. Англашиладики, бобом билан Абдулла Қодирий фақатгина кўшнни ёки ҳамсўҳбат эмас, устоз-шогирд муносабатларини ҳам йўлга қўйган. Бобом ўрта Осиё давлат университети (САУ)да шарқ факультетида ҳам ишлаган, сўнг Бешёғоч даҳасида маъсул лавозимни бажарган обрўли ва зиёли инсон бўлгани учун

ҳам адиб билан сўзлари бир жойдан чиққан.

Ҳабибулло Қодирий "Отам ҳақида" китобида катта отам Саид Камолхон домлани "Камолхон домла бизнинг шаҳар ҳовлимизга ҳаммаҳалла, дамдан 15 ёшлар катта, баланд қомадли, чўзиқ оқ юзли, ҳийла ўқимишли, закийтаъб, тadbиркор, салобат-шижоатли, нуфузли, рус тилини яхши билувчи киши эди", деб ёзиб қолдирган (179 бет). Шунингдек, бобомни табобатдан хабари бор, ўзбек адабиётига бефарқ бўлмаган одам, деб тасвирлайди. Ёшлигида тоби қочиб бобомнинг дала ҳовлисида дам олгани ҳам қайд қилинган. Муолажа билан бирга бобом унга Фиратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари" китобини ўқитганини илиқ эслайди. Абдулла Қодирий ҳар жума кунни ўғлини кўргани борар, бобом билан эса кечгача ислом дини тараққиёти, Шарқ мумтоз адабиёти ва янгиланаётган адабиёт масалаларида сўхбатлашар экан.

Менга айнан "Ўткан кунлар" асаридаги Юсуфбек Ҳожи образига бобомдаги кўп характерлар кўзга ташланса, "Обид кетмон" асаридаги Хатиб домла образига ҳаммабонглик, тadbиркорлик хислатлари ҳам айнан бобомни эслатади.

Абдулла Қодирий кенг мушоҳадakor, самимиёти баланд инсон бўлган. Илм эгаллашда билмаганини сўраб ўрганишдан эринмаган. Катта отамнинг маслаҳати билан адиб "Мехробдан чаён" асарини ёзишга киришишдан олдин бобомнинг катта акалари — Ғиёсиддинхўжадан фикр олган ва унинг Эшонгузардаги хонадонига бир ой қатнаган. Чунки бобомнинг акалари Кўқон хони Худойорхоннинг мушйи мизролла-ридан бири бўлиб фаолият юритган. Асардаги аниқ маълумотларга таяниб ишлатилган воқеалар айнан бобомнинг акалари — Ғиёсиддинхўжадан олинган бўлса, ажаб эмас.

Абдулла Қодирий бирор бир асар ёзишга киришишдан олдин жиддий тайёргарлик кўрар эканлар. Тошкентда ҳаво исиб кетган маҳали адиб янги асари устида ишлаётган эди. Шунда отам — Садриддинхондан Тошкентнинг баҳаво еридан жой ажратиб беришини сўрайди. Отам Тўйтепадаги болалар уйда раҳбар бўлган, қўл остида ишлайдиган Обид

исми боғбоннинг дала-ҳовлисини тавсия қилган. Обид ака яхшигина бобом бўлган. Бунда унинг маҳоратидан Абдулла Қодирий ҳам лол қолган. Обид ака даррахнинг пўстлоғи орасига қирқ оғайни атиргули посяини синдириб юбориб, даррах тепасида гул очирган боғбон бўлган. Айнан "Обид кетмон" асари Обид аканинг уйда ёзилган. Мен эса Обид кетмон Обид аканинг ўзи бўлган, деб ўйлайман.

Отам раҳбарлик қилган мактабда 1926 йил баҳор фаслида Абдулла Қодирий билан учрашув бўлиб ўтган экан. Улар Обид ака билан отда ҳамроҳ бўлиб мактабга кириб келганини шу вақтда унда ўқиган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори (раҳматли) Аббос Ашрапов ўзининг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилган мақоласида қайд этган (1990 йил 26 январь сонид).

Зиёли оилада туғилгани билан фахрланаман. Ота-бобомнинг миллий адабиётимиз фаҳри бўлган Абдулла Қодирий билан ҳамсўҳбат, ҳамфикр бўлгани эса қалбимга янада гурур бахш этади.

Дилобар МАМАТОВА
ёзиб олди.
ЎЗА

ЭЪЛОН!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қибрай филиали қурилиш, реконструкция, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларида чиққан, демонтаж қилинган буюмларни реал бозор нархларида баҳолаш ташкилотини аниқлаш бўйича тендер ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тақлиф ва муурожаатлар эълон чоп этилганидан сўнг 7 кун мобайнида ёпиқ конвертда қуйидаги манзил бўйича қабул қилади: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 7-уй.

Телефон: 78 150 20 87

"Milliy tiklanish" ижтимоий-сиёсий газетасидаги мақолаларни milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқин!



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Алишер ҚОДИРОВ, ҳайбат раиси,
Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ,
Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,
Ахмал САЙДОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Муҳаммадхон ҚУРОНОВ,
Бехзод НОРБОЕВ, бош муҳаррир.

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмаи ХУДОЁЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,
Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47,
Маънавият, туризм, халқаро ҳаёт ва ахборот
бўлими: 234-87-73, Реклама ва маркетинг
бўлими: 234-86-41, Бош муҳаррирнинг биринчи
ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 3 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қозғ бичими А-3
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.
Қорхона манзили: "Буюк Туран" кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1026, Адади — 10 020. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларига қайтарилмайд.

Навбатчи муҳаррир: Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБЕКОВА
Саҳифаловчи: Дилмурод ДУСТБЕКОВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 03.40. Ўза яқуни — 00.50



ISSN 2610-7714
9 770100 771003
1 2 3 1 5 6